Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 62 (20. 629) • 1990 йил 15 март, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

РЕСПУБЛИКА ДАЛАЛАРИДА

● «Оқ олтин» ижодкорларининг долзарб ишлари.

● Баҳорги юмушларни пухта бажариб.

● Пайкалларнинг илк маҳсулотлари — эл дастурхонига.

● Эртаги экинларга — сифатли ишлов.

Мўл ҳосил иштиёқида

Хонқа районидаги «Хоразм» колхозининг Сафарбой Ҳамроев бошлиқ 5-бригадасида кўкламги дала ишлари тобора авж олдирилмоқда.

Мавжуд 112 гектар майдонда ернинг шўри сифатли қилиб ювилди. Шу билан бирга ҳар гектар майдон ҳисобига 40 тоннадан маҳаллий ўғит сепилди. Ушбу юмушларни амалга оширишда бригада аъзоларидан Моможон Юсупова, Искандар Мухторов, Олимбой Қобуловлар айниқса унумли меҳнат қилишди.

Коллектив пахтакорлари бу йил гектаридан 38 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини қабул қилишган. Шу билан бирга улар мўл пилла ҳосили етиштиришни ҳам кўзламоқдалар. Шу боис 16 гектар тут плантациясидаги дарахтлар озиқлантирилиб, суғорилди.

Э. САФОЕВ.

Ёшлар ғайрати

Ангор районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг Эшбўри Алиқулов бошлиқ 1-комсомол-ёшлар пахтачилик бригадаси аъзолари баҳорги дала ишларини қизғин олиб боришмоқда.

Улар ариқ-зовурларни тозалаш билан бирга 1,5 минг тупдан ортиқроқ тут кўчатлари ҳам ўтказдилар. Коллектив ёшлари хўжаликда сабзавотчиликни ривожлантиришга ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқчилар. Улар ҳозир эртаги карам кўчатлари ўтказишни жадаллаштирмоқда. Бу ишни Фахриддин Бўриев, Панжи Қурбонов, Раъно Жўраева, Гулистон Рўзиева ва Ҳусан Исломовлар кунлик нормаларини 1,5—2 ҳисса ортиқ бажариб, бошқаларга ўрнак кўрсатишяпти.

Х. ТУРОПОВ.

Уруғ қадаш тараддуди

Ўзбекистон районидаги Ғ. Ғулом номли колхозининг Я. Мамажонов бошлиқ бригадаси пахтакорлари чигит экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

Айни кунларда 60 гектардан зиёд майдонда чигит суви бериш ишлари тугалланди. 1500 тонна маҳаллий ўғит жамғарилиб, унинг минг тоннаси далаларга сепиб чиқилди. Коллектив аъзоларининг бу тайёргарликлари бежиз эмас. Улар съездлар йилида ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилишган.

Р. ҲАМИДОВ.

Биринчи ишлов бошланди

Избоскан районидаги Партия XX съезди номли колхознинг Тошпўлат Эргашев бошлиқ бригадаси сабзаводчилари эртаги карам кўчатларига биринчи ишлов беришни бошладилар.

Бу экинни улар 28 гектар майдонда етиштирмоқдалар. Қўшни майдонларда эса пиёз, бақлажон экилган. Шудгорланган бошқа ерлар помидор экиш учун тайёрлаб қўйилган. Бригада аъзолари бу йил ҳар бир гектар ҳисобидан олинадиган даромадни ўтган мавсумдагига нисбатан анча оширишни мўлжалламоқдалар.

Қўйлар қўзилади

Қува районидаги Калинин номли колхоз чўпонлари Солижон Содиқов билан Тўйчибой Эрматов отарларининг ҳар бирига 700 тадан қўзи қўшилди.

Улар бутун қиш мобайнида бирорта ҳам қўзининг нобуд бўлишига йўл қўймадилар. Бу чорва қишловини тўғри ташкил қилиш натижасидир. Қўйлар учун совуқ ўтмайдиган қўралар тайёрланиб, хилма-хил емлар етарлича ғамлаб қўйилган эди.

Томорқа маҳсулотлари

Жалолқудуқ райони аҳолисининг томорқа участкаларида етиштирилган етти минг тоннадан кўпроқ сабзавот ва мевалар республика магазинларига жўнатилади.

Район тайёрлов идораси шахсий томорқа эгалари билан ана шундай шартнома тузди. Бу қишлоқ меҳнаткашларига қўшимча ер ажратиб берилганидан кейин мумкин бўлди. Улар фақат шу йилнинг ўзида фойдаланиш учун деярли 1300 гектар ер олдилар. Шартномага мувофиқ, тайёрлов идораси ер эгаларини маҳсулот солинадиган идиш ва транспорт билан таъминлайди.

(ЎзТАГ).

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди

Ўзбекистон телеграф агентлиги суратқаш мухбирлари Ф. Қурбонбоев ва С. Величкинларнинг Съездлар саройидан тасвирга туширган лавҳалари.

СССР Халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди. Суратларда: 1. СССР халқ депутатларидан сурхондарёлик Бозор Раҳмонов ва москвалик депутат Петр Владимиров ўзаро суҳбатда. 2. Депутатлардан Т. Раҳмонқулова (Жиззах области), А. Ведминдь ва И. Матийко (Киев области) ҳамда Т. Қирғизбоева (Сирдарё области) танаффус вақтида.

(ТАСС).

ДЕМОКРАТИЯНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

Совет Иттифоқида мамлакат Президенти лавозими таъсис этилди. СССР халқ депутатларининг Съезди 13 март куни кечки мажлисда шундай қарорга келди.

Бу мана шундай бўлди. Эрталаб СССР халқ депутатлари СССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ва СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги масала муҳокамасини давом эттиришни келишиб олдилар.

Депутатлардан бирининг таклифига кўра, мунозара бошланишидан олдин раислик қилувчи **М. С. Горбачев** дастлабки маълумотлар асосида съездни Литвадаги вазиятдан хабардор қилди. У Литва ССР Олий Советининг сессиясида 1938 йилги буржуа конституциясини Литвада тиклаш тўғрисида қабул қилинган қарорни ҳақиқий эмас, деб топди. Съезд номига Литвадан келаётган телеграммалардан бири ўқиб эшиттирилди, унда Вильнюснинг Октябрь райони партия фаоллари номидан Литва ССР Олий Совети сессиясининг қарорлари «халққа қарши қарорлар бўлиб, республика барча аҳолисининг манфаатларини ифодаламайди» деб, уларга нисбатан норозилик ва эътироз билдирилган.

М. С. Горбачев вужудга келган вазиятда фаол ҳаракат қилиш керак, деган фикрни айтди. Съезд топшириғига биноан ҳукумат, Олий Совет йўли билан тегишли иш бошлаб юборилди. Съезд тугаши биланоқ мазкур масала СССР Олий Совети сессиясида кўриб чиқилиши керак. М. С. Горбачев литвалик ўртоқлар — уларга эса Эстония, Латвия вакиллари ҳам қўшилишди — улар билан музокаралар олиб боришни таклиф қилишаётганлигига эътиборни қаратди. Ўйлайманки, деди у, ҳеч қандай музокаралар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас: биз ҳорижий давлатлар билан музокаралар олиб борамиз... Ана шу сўзларни съезд қарсаклар билан кутиб олди. Бутун вазият Олий Совет, Миллатлар Совети ва ҳукумат доирасида аниқлаб олингунига қадар, деб давом эттирди раислик қилувчи, хулоса чиқарилгунига қадар биз қандай ишлаган бўлсак шундай ишлайверамиз, барча республикалардан, шу жумладан Литвадан келган депутатлар бу ерда съездда қатнашаётганликларини табриклаймиз.

Эрталабки мажлисда музокараларда биринчи бўлиб депутат **О. Х. Ожаков** сўзга чиқди. У Қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятини фарқлаб, биз улар фаолиятини мувофиқлаштириш, келиштириб олиш механизмини олдиндан назарда тута олмадик, деб таъкидлади. Бундан ташқари, мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш ва фавқулодда ҳолатни тез ҳал этишга қатъий эҳтиёж сезилмоқда. Буларнинг ҳаммаси, — деб таъкидлади депутат, — давлат бошлиғининг шу кунга қадар СССР Олий Совети Президиумига тегишли бўлган вазифаларидир, унинг фаолият тажрибаси кейинги вақтларда қарорларни дарҳол қабул қилиш керак бўлган бир пайтда коллегиал усул билан қабул қилиш самарасизлигидан далолат бермоқда.

Давлат бошлиғини бевосита халқ сайлаши ғоясини принцип жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бирга Туркманистон Компартияси Тошовуз область комитетининг биринчи секретари ҳеч кечиктирмай Президентни съездда сайлашни ёқлаб чиқди. У М. С. Горбачевни мазкур лавозимга энг реал номзод, деб ҳисоблайди.

Президент ҳокимияти. Баъзилар ягона умид шундан, деб билсалар, бошқаларни бу ташвишга солмоқда. Депутат **А. А. Плотниекс** ҳисоблаганидек, қарор ҳаммага мақбул, муросали бўлиши керак.

Айни вақтда унинг фикрича, таклиф этилаётган Қонун лойиҳасида мантиқсизликлар борлигига диққатни жалб этди. Унда ҳокимият ташкилоти атайлаб мураккаблаштирилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Қонун чиқарувчи иккита орган — халқ депутатлари съезди ва СССР Олий Совети мавжуд. Давлат бошлиғи ва парламент спикери ваколатларини ажрата туриб, биз иккита олий шахсга — СССР Президенти ва СССР Олий Советининг Раисига эга бўламиз. Биринчиси ҳузурида икки кенгаш, иккинчисида эса президиум ишлайди. Редакцион комиссия мазкур мураккаб системанинг соддалаштирилиши борасидаги турли вариантларни ишлаб чиқиши керак.

Нотиқ Қонун қабул қилиш чоғида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастурини инобатга олиш кераклигига эътиборни қаратди.

Депутат Қонун шошмашошарлик билан қабул қилинаётганлиги тўғрисидаги фикрни билдирди. Қонун зудлик билан қабул қилиниши таклиф этилмоқда.

Латвия ССР вакили СССР Олий Советининг Раисига Декларация тақдим этди. Унда республиканинг аниқ позицияси баён этилган.

Депутат **А. А. Коршунов** ўз нутқи бошида гумонларини айтиб, бир қанча саволларни ўртага қўйди: мамлакатимизда президентлик муассасаси керакми? Бир кишининг ҳокимияти мутлақ даражага чиқарилиб, барча оқибатлари билан бирга ҳукмронликка, конкрет кишиларнинг ва умуман давлатнинг кулфатига олиб келганлиги тўғрисида тарихимизда, шу жумладан энг янги тарихда мисоллар етарли бўлмаганми? Президентлик ҳокимияти ғояси орқага қадам ташлаш эмасми? Бу нарса турғунлик даврига ёки бундан ҳам баттарига олиб келмасмикан?

Нотиқ бу саволлар устида фикр юритиб, президентлик муассасаси — бу жамиятни демократиялаш, ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлининг изчил давоми эканлигини таъкидлади.

Нотиқнинг фикрича, давлатда баҳслашиш мумкин бўлган ва бутун мамлакат кўз олдида қарорлар қабул қилишга мажбур бўлган аниқ бир киши бўлиши зарур. Бунда кўп нарса ким Президент бўлишига боғлиқ бўлади. Депутат мазкур лавозимда М. С. Горбачевни кўришни истарди. У ўн йиллар мобайнида аппаратни шакллантирган эскилик тубидан чиққан бўлсада, лекин мамлакат бошқарувининг ўзини обрўсизлантирган шаклларига қарши бош кўтаришга қурби етди.

Депутат **А. Аҳаев** Президент лавозимини таъсис этиш ва уни сайлашни ёқлаб далил-исботлар келтирди. Қирғизистон Фанлар академиясининг раҳбари съездда айтилган Президент ҳокимияти авторитар ҳокимиятга айланишига қаршилик кўрсатилиши ҳамда иттифоқдош республикаларнинг суверен эканлиги ва уларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши кафолатлари СССРнинг янги Конституциясида янада аниқравшан баён этилиши зарурлиги тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватлади.

Нотиқ тақдим этилган Қонун лойиҳасига асосан ижобий баҳо бериб, бир қанча танқидий мулоҳазалар айтди. СССР Президенти айрим жойларда ҳарбий ёки фавқулодда холатни тегишли республика Олий Советининг албатта розилиги билан эълон қилишини кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир. Унинг фикрича, кейинчалик мамлакатда вице-президент лавозимини ҳам жорий этиш зарур.

Нотиқ биринчи Президентни сайлаш тартибига тўхталиб ва ана шу лавозимга М. С. Горбачев номзодини конкрет таклиф этиб, мазкур Съезд бунинг учун сайловчиларнинг етарли даражада нуфузли коллегияси эканлигини айтди.

Менга Литва халқ депутатлари ва Литва республикаси Олий Совети номидан гапириш вазифаси топширилган, деди депутат **В. В. Антанайтис.** Совет Иттифоқи Олий Советидаги Литва делегацияси Литва давлатчилигини тиклаш тўғрисида СССР билан Литва ўртасида музокаралар бошлашни бир неча бор таклиф қилган эди. Бизга эса республикаларнинг Иттифоқ таркибидан чиқиш механизмини муҳокама қилишни таклиф этмоқдалар. Бундай механизмнинг қабул қилиниши биз учун мақбул эмас. Чунки Литва Сталин ўзбошимчалиги таъсирида Совет Иттифоқи таркибига кирган эди, деди депутат.

Депутат Вильнюсда республика Олий Советининг сессияси уч кундан бери иш олиб бораётганлигини маълум қилди. У халқ депутатлари съезди қатнашчиларини ана шу сессияда қабул қилинган баъзи ҳужжатлардан намуналар билан таништирди.

Литва қишлоқ хўжалиги академиясининг кафедра мудири ўқиб берган баёнотда Литвадан СССР халқ депутатлари СССР Президенти мақоми тўғрисидаги қонунларни қабул қилишда ва Президент сайлашда қатнашиш ваколатини эътироф этмасликлари айтилади. У съезддаги Литва делегацияси аъзолари фақат кузатувчилар сифатидагина қатнашаётганлигини айтди.

Нотиқ съездга мурожаат қилиб, Литва давлатчилигини тиклаш тўғрисидаги икки томонлама музокараларни бошлашда кўмаклашишни илтимос қилди. Биз, деди у, Совет Иттифоқи халқлари билан яхши қўшничилик муносабатида бўлишни, иқтисодий иттифоқни, маданий, илмий, экологик ва бошқа хил алоқа ўрнатишни истаймиз.

Биз, деди депутат **С. Г. Арутюнян,** икки йўл ўртасида турибмиз: ё кучайиб бораётган тангликдан маданийлашган, демократик йўл билан чиқамиз ёки жамият анархия ва бошбошдоқлик гирдобига юз ўгиради. Яхши қонунларгина эмас, балки ана шу қонунларни рўёбга чиқаришга доир давлат механизмлари ҳам муҳимдир. СССР Президенти лавозимининг таъсис этилиши ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлидаги энг муҳим босқичдир. Ана шу давлатда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият узвий боғланган бўлади.

Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари муҳокама қилинаётган ҳужжатнинг тегишли моддасига СССР Президенти ўз ишини зарур даражада ижро этмаган ҳолларда ҳам ўз вазифасидан бўшатилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидани киритишни таклиф этди. Ҳокимиятсизлик туфайли юзага келаётган тангликни хатарлидир. Нотиқ Арманистонда зилзила оқибатларини тугатиш давлат программаси амалда барбод бўлганлигини мисол тариқасида келтирди. Яхши режалар амалий натижа бермади.

Депутат иттифоқдош республикалар суверенитетини мустаҳкамлаш муаммоларига катта эътибор берди ва жумладан совет федерациясининг ҳуқуқий мақомини оширишни таклиф этди.

Кўпчилигимиз, деди депутат **Н. Т. Дабижа (Чобану)** Михаил Сергеевич туфайли шу залда ўтирибмиз. Ҳозир эса Горбачевни ҳимоя қилиш навбати келди. Улкан ҳокимиятни бир одамнинг қўлида жамлаш жамиятни демократиялаш учун хатарлидир. Сталин даврининг қайтишига умид боғлаётган кишилар бор. Биз Горбачевга ишонамиз, аммо орадан йиллар ўтгач, СССРда чоризм бичимидаги социализмни бунёд этган кишилар ҳокимият тепасига келмаслигига ким ишона олади?

Президентлик туфайли қайта қуриш тўсқинликка учрайди, деган хавотирлик бор, деб давом этди Молдавиялик адиб. Президент партиядан юқори туриши лозим, бунга фақат кўп партияли системада эришиш мумкин. Кучли республикалар бўлмаса, кучли марказ тўғрисида гапириш мумкин эмас, шунинг учун биз Президент кенгаши ташкил этилишини қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакатга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси эмас, балки ана шу кенгаш раҳбарлик қилиши керак. Биз Президент идораси аслида тенг республикалар иттифоқини тоталитар давлатга айлантиради, деган хавотирликка қўшиламиз, Съезд олдиндан иттифоқдош республикалар Олий Советларининг фикрини билмай туриб, бундай олисни кўзловчи ислоҳотларни қабул қилишга ҳақли эмас.

Нотиқ ўзининг фикрича, Президентлик идораси жорий этилишидан олдин амал қилиши лозим бўлган бир қанча шартларни айтди.

Президентлик идорасининг жорий этилиши федерация асосида ҳуқуқий давлатни барпо этиш вазифасининг ўрнини олмаслиги зарур, деди нотиқ. Президентлик идораси умумиттифоқ хонадонини реал барпо этиш йўлидаги омил бўлиши лозим.

Депутат **Қ. Маҳкамов** мамлакат Президентини Съездда сайлашни қўллаб-қувватлаб, ўз далилларини баён этар экан, бундай ҳолат мамлакатда қарор топаётган ҳуқуқий давлат принципига мутлақо зид бўлмаслигини таъкидлади.

Нотиқ мамлакатимизда машҳур бўлган баъзи ўртоқларнинг президентлик ҳокимиятини жорий этишга қарши чиқиб, матбуотда, телевидение орқали ва ҳатто Съездда айтаётган гаплари муносабати билан таажжуб билдирди. Нотиқ уларнинг мамлакат учун оғир вазиятда худбинлик руҳидаги сиёсий нафсоннятларини намоён этаётган баъзи далиллари кишининг ғазабини қўзғатади, деди.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ҳокимиятнинг олий бўғинини қайта қуришнинг барча соғлом кучларини бирлаштириш жараёнига тезроқ жалб этиш тўғрисида гапирар экан, акс ҳолда мамлакатимиз бундан кейин ҳам пастликка қараб сирғалиб кетаверади ва бундан мамлакатда Душанбедаги аянчли воқеаларга ўхшаш

(Давоми иккинчи бетда).

Фикрлар хилма-хиллиги, қарашлар муштараклиги

ПАХТАДАН ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ

13 март куни Тошкентда республика илмий-техника конференцияси очилди. Конференцияга пахтадан озиқ-овқат саноати учун хом ашё сифатида фойдаланишга доир Ватанимиз олимлари тайёрлаган энг янги ишланмалар тақдим этилди. Конференцияни озиқ-овқат саноати Бутуниттифоқ илмий-техника жамиятининг Ўзбекистон республика правлениеси билан озиқ-овқат саноати Ўрта Осиё илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институти ташкил этди. Конференцияда ўзбекистонлик олимлар ва амалиётчилардан ташқари, бошқа пахтакор республикалардан келган мутахассислар, Москва, Ленинград, Киев олимлари ҳам қатнашмоқдалар.

Неча ўн йиллардан бери озиқ-овқат маҳсулотлари олиш учун ғўза тупи қисмларини қайта ишлаш муаммоси тадқиқ этилмоқда. Айниқса кейинги йилларда бу соҳада самарали ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда фақат чигитни яхшилаб қайта ишлашнинг ўзи ўнлаб номдаги озиқ-овқат маҳсулотларини олишни таъминлаяпти. Линт, кунжара, ғўзапоя ва унинг бошқа қисмларидан маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда.

Конференция қатнашчилари ҳамкасбларига бир қанча илмий асарларини, шунингдек, бир қанча ишлаб чиқариш жараёнлари технологиясини такомиллаштириш ва автоматлаштиришга доир таклифларини ҳам тақдим этадилар.

(ЎзТАГ).

ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Тошкентдаги бошланғич ташкилотлари вакилларининг 13 март куни бўлиб ўтган учрашувида ижодий уюшма фаолиятини янгилаш масалалари кўриб чиқилди. Республика Журналистлар уюшмаси правлениеси раисининг биринчи ўринбосари Р. А. Сафаров шу ҳақда гапирди. Республика Журналистлар уюшмаси правлениеси раисининг ўринбосари А. М. Муҳаммаджонов ва «Мухбир» — «Корреспондент» журналининг бош муҳаррири Г. Г. Неклесса йиғилиш аҳлини СССР Журналистлар уюшмаси правлениесининг февраль ойининг охирида бўлиб ўтган пленуми якунлари билан таништирдилар. Пленумда ижодий уюшмага раҳбарлик ва унинг VII съездини чақириш масалалари муҳокама қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг раиси Н. Е. Гойибов Америка телевидение ва радиоэшиттириш компаниялари билан Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ўртасида алоқалар ўрнатиш тўғрисида гапирди.

СССР Журналистлар уюшмасининг бўлажак съездига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

БХР МИНИСТРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАИСИ А. ЛУКАНОВНИНГ СССРга АМАЛИЙ ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Совет раҳбариятининг таклифига биноан Болгария Халқ Республикаси Министрлар Кенгашининг Раиси А. Луканов 1990 йил 15—16 март кунлари Совет Иттифоқига амалий ташриф буюради.

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди

ДЕМОКРАТИЯНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДАН

(Давоми. Боши биринчи бетда).

тартибсизликларни келтириб чиқараётган бузғунчи кучлар оқилона фойдаланиб қолишлари мумкинлигини айтди. Депутатнинг фикрига кўра, уларнинг ҳаракатлари ҳамма ерда шу даражада бир хилки, ўз-ўзидан савол туғилади: уларни ўша битта қўл йўналтириб турмаганмикин? Президент ҳокимнинг жорий этилишига қарши сўнгги кунларда авж олган митинглар тўлқини ҳам худди шундан далолат беради. Манзара таниш эди: тажрибасиз ҳамда ҳис-ҳаяжони тўлиб тошган ёшлар ортида бу ерда ҳам ўша шахслар — миллатчилар, давлатни алдаб порахўрлик қилган унсурлар, заҳира иқтисодиёт қироллари, ҳокимиятга жон-жаҳди билан интилаётган сиёсий таваккалчилар яширинишган эди.

«Иттифоқ» депутатлар группаси номидан сўзга чиқчан депутат **Ю. В. Блохин** Литвадаги ижтимоий-сиёсий вазият тенденциясига хотиржам қараб туриш мумкин эмаслигини уқтирди. Миллатга устунлик бериш принципи бошқа берк кўчага олиб кирди, мазкур республикадаги юз минглаб СССР гражданлари ҳуқуқсиз бўлиб қолмоқда, деди у. Шу муносабат билан «Иттифоқ» группаси халқ депутатлари Съездига баёнот билан мурожаат қилади. Унда ушбу Съезд кун тартибига Литва ССРдаги вазият хусусидаги масалани киритиш зарурлиги, Съездда иттифоқдош республикаларнинг СССР таркибидан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги қонунни зудлик билан қабул қилиш, оммавий ахборот воситаларида Болтиқбўйи республикаларида рўй бераётган воқеалар холис ва тўла-тўкис ёритилишини таъминлаш кераклиги айтилади.

Нотиқ депутатлар группасининг Президент бошқарувини жорий этиш ва СССР халқ депутатлари ҳозирги таркиби ваколатлари муддатида учинчи Съездда Президентни сайлаш зарурлигини маълум қилди. У Президент муассасаси билан боғлиқ бир қанча таклифларни ҳам киритди.

«Иттифоқ» группаси номидан унинг вакили Президентлик лавозимига (алфавит тартибида) В. В. Бакатин, М. С. Горбачев, Н. И. Рижков номзодларини айтди.

Сўнгги кунларда, деди депутат **И. К. Полозков**, сайловчилар билан кўп ошкора суҳбатлар бўлди. КПСС Марказий Комитетининг съездга Ҳаракат дастури, мамлакатимиздаги аҳвол тўғрисида гап борди. Халқимиз кўпроқ масъулият ва кўпроқ аниқравшан амалий ҳаракатлар қилишни талаб этмоқда, ҳозир эса худди шу нарса бизга етишмаяпти.

Қонунчилик янгиланмоқда, қонунлар эса амал қилмаяпти. Баъзилари пухта ишлаб чиқилмаганлиги учун, баъзилари эса керакли омиллар йўқ бўлганлиги сабабли ҳаётга татбиқ этилмаяпти. Ҳолбуки, бундай омил бўлмаса ва гражданлар қонунларни ҳурмат қилмасалар ҳатто энг мукаммал қонун ҳам кутилган натижаларни бермайди.

Краснодар ўлка партия комитетининг биринчи секретари ҳозирнинг ўзида, ушбу съездда мамлакат Президентини сайлаш зарур, деб ишонч билдирди. Вақт кутиб турмайди: жамиятимизда тартиб бўлиши керак, халқ яхшилик сари ўзгаришлар бўлиш имкониятига, Иттифоқимизни сақлаб қолишга бўлган ишончни йўқотмоқда. Нотиқнинг фикрича, Президент ҳокимияти нормативларини ҳозирги вақтда синчиклаб, қунт билан ишлаб чиқиш оғир.

Депутат мамлакатда Президент лавозими жорий этилишини Россия ва россияликлар аҳволини янгилашга бўлган умид билан, ҳар бир миллат ва халқнинг манфаатларини адолатли ҳимоя қилиш билан боғлади.

Депутат **И. Н. Кожедуб** ветеран-жангчилар номидан бошқарувнинг президентлик шаклини қўлланиш ғоясини қўллаб-қувватлади, у М. С. Горбачев номзодидан бошқа номзодларни кўрмаётган нотиқларнинг фикрига қўшилди.

Нотиқ Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари билан Шуҳрат ордени тўла соҳибларининг совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 45 йиллиги арафасида бўлиб ўтган учрашуви қатнашчиларининг Съездга мурожаатномасини ўқиб эшиттирди. Унда, жумладан, бу йил мамлакатимиз ғалабанинг 45 йиллик байрамини мураккаб вазиятда кутиб олаётганлиги қайд этилади. «Биз — фронтчилар неча марта ўлим билан юзма-юз келганмиз, Ватанимизнинг қаҳрамонона ўтмиши ва бугунги кунига таянганлигимиз учун ғалаба қозонганмиз, — дейилади ҳужжатда. — — Биз қийинчиликларни енгиш ва қайта қуришни қўллаб-қувватлашда Ватанимизга ёрдам бериш учун ҳамма ишларни қиламиз. Советларга қарши экстремист кучларнинг кўп миллатли давлатимиз бирлигини парчалашга, халқлар ўртасида қасддан адоват уруғини сочишга, социализм ғалабаларини йўққа чиқаришга, мамлакатимизда тартибсизликлар чиқаришга, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига бўлган ишончга путур етказишга, совет тузуми асосларини бузиб ташлашга интилишлари кучаяётганини чуқур қайғу ва ташвиш билан кўриб турибмиз. Ўрта Осиё ва Кавказортида бўлаётган тартибсизлик, ўғирликлар, ур-йиқитлар ва совет гражданларини ўлдириш вақт нуқтаи назаридан мувофиқлаштирилган ва уюштирилган ҳаракатлар эканлиги бизга тобора равшан бўлмоқда. Бу ҳаракатларнинг ортида ҳокимиятга зўр бериб интилаётган муайян сиёсий кучлар турибди».

Мурожаатномада Совет ҳукумати ва СССР Олий Советидан «Совет Қуролли Кучлари шон-шарафи ва обрў-эътиборини ерга ураётган оммавий ахборот воситаларини жиловлаб қўйиш» талаб қилинади.

Депутат **Ю. В. Друнина** ҳам Улуғ Ватан урушининг оғир йилларини эслади. Ҳозир қалбим ўша вақтдагига нисбатан кўпроқ нотинч, чунки халқнинг ихлоси қайтган, чарчаган.

Мамлакатимизни жар ёқасига бориб қолишдан қутқаришга қодир киши Президент бўлиши кераклигига шубҳа йўқ, лекин афсуски, жар ёқасига боришимиз тобора тезлашмоқда. Депутат М. С. Горбачевни ана шундай ишга қодир киши деб атади. Хусусан Михаил Сергеевич бизга озодликни ҳис этишга ва очиғини айтадиган бўлсам, букилган тиззаларимизни кўтариб ғоз туришимизга имкон берди. Дунёдаги кескинликни ким юмшатганлигини, ядро уруши хавфини ниҳоят даражада ким камайтирганлигини унутмаслик керак.

Ғарбдаги демократик кучларнинг кўз ўнгида биз қўрқа-писа мўлтираб турган жентелменлар даврасида атом бомбасини силкитаётган «рус айиғи» бўлмай қолдик. Менимча, агар Горбачев сайланмаса, деб уқтирди нотиқ, унда бутун маданиятли дунё бизни Совет Иттифоқидаги демократик кучларнинг мағлубияти сифатида, муҳолифликка қайтиш сифатида баҳолайди. СССР тарихининг эҳтимол мураккаб даврида биз уни қўллаб-қувватлашимиз ва шу тариқа ўзимизни қўллаб-қувватлашимиз зарур.

Депутат **С. Н. Хажиев** мамлакатимиздаги автономия аҳволи билан боғлиқ муаммоларни тилга олди. Унинг фикрига қараганда, автоном республикалар халқлари ўз ҳуқуқларини етарли ҳимоя қила олмаяптилар. У шундай бир мисолни келтирди: Россия Федерацияси Олий Совети Президиумининг Раиси Чечен-Ингушияда 70 минг нафар ингуш ўз автономиясини тиклашни талаб қилган бир вақтда съездда нутқ сўзлади. Лекин Россия Федерациясининг президенти халқнинг талаблари хусусида бир оғиз ҳам гапирмади.

Депутат автоном республикадаги воқеалар муносабати билан шундай фикр билдирди: мамлакатимиз ҳар бир Съездда асабий ҳолат вужудга келтириш учун кимдир олдиндан ўйлаб қадам ташлаганлиги сабабли навбатдаги миллатлараро танглик келиб чиққанлигидан воқиф бўлади. Лекин бу гал гиж-гижловчилар янглишиб қолишди. Ингуш халқи ўзаро муроса ва музокаралар йўли билангина қардош халқ билан бундан минг йиллар аввал бўлганидек умумий тил топиш мумкин эканлигини яхши тушунади. Нотиқ музокаралар бошлангунича халқ депутатлари Съезди ёки СССР Олий Советининг холис комиссиясини тузишни таклиф этди.

М. С. Горбачев Чечен-Ингуш вакили нутқида кўтарилган масалалар муносабати билан автоном республикада юзага келган муаммолар билан Россия Федерацияси Олий Совети Президиуми ва ҳукумати шуғулланиши кераклигини тушунтирди. Иттифоқдош республика раҳбарияти масалани ўша жойнинг ўзида муҳокама қилиш учун СССР Олий Совети Миллатлар Советининг комиссиясини зудлик билан тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Оммавий ахборот воситаларига тааллуқли вазият аниқлангунга қадар уни матбуотда ҳозирча муҳокама қилмаслик таклиф этилди. Съезд масаланинг шу таҳлитда қўйилишига рози бўлди.

А. И. Лукьянов депутатларнинг Съезд ишининг биринчи кунида қилинган докладга тааллуқли саволларига жавоб берди.

Шундан сўнг Съезд редакцион комиссиясининг раиси **В. Н. Кудрявцев** депутатларнинг таклифи кўриб чиқилганлиги ва қонун лойиҳаларига таклиф этилаётган тузатишлар тўғрисида батафсил ахборот берди.

СССР халқ депутатларининг Съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

Кечқурунги мажлисда таҳрир комиссиясининг раиси депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди.

Шундан кейин нутқ сўзлаган М. С. Горбачев, жумладан, бундай деди: Менда шундай таассурот туғилдики, биз Съезддаги мунозара давомида Президентлик идора усулини жорий этиш каби жуда катта конституцион қадам, биз амалга ошираётган ёки амалга оширишимиз лозим бўлган мана шу тадбир зарурлигини чуқурроқ тушуниб олдик. Менинг назаримда бу хусусда депутатларнинг демократияни ҳимоя қилиш манфаатларига мойиллик кайфияти вужудга келди. Мен барча ўртоқларнинг шу мавзудаги нутқларида бу кайфиятни аниқ пайқаб олдим. Биз бу ерда ўтказган мунозара бу — демократия фойдасига ва демократияни ҳимоя қилиш йўлида, бутун қайта қуришнинг муваффақияти манфаатларини кўзлаб қўйиладиган муҳим қадам, деган қатъий хулосага келишимизга ёрдам беради, деб ўйлайман. Бу эса қайта қуриш сиёсати доирасида ўтказилаётган ислоҳотларни кучайтириш ва жадаллаштиришимизга ёрдам беради.

М. С. Горбачев қуйидагиларни таъкидлади: Съездда «Президент ва федератив давлат», «Президент ва республикалар — иттифоқдош ва автоном тузилмалар» мавзулари масъулият билан синчиклаб таҳлил этилди. Мунозара якуни ва Таҳрир комиссиясининг иши кўрсатишича, биз натижада бу лавозимни эгаллаши мумкин бўлган кишида ҳозирнинг узидаёқ қайта қуришнинг мулки бўлиб қолган ва биз федерациямизни инқилобий ўзгартириш доирасида интилаётган мақсадни инкор қилишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаслиги учун лойиҳани анчагина чуқурлаштиришга эришдик. Чунончи: Президентлик ҳокимияти барча халқларнинг манфаатларини, кўп миллатли давлатимиз равнақи манфаатларини кўзлаб федерацияни ривожлантириш, ўзгартиришни ўзининг асосий вазифаси деб билиши керак. Таъбир жоиз бўлса, биз давлатимиз тарихида тақдирга дахлдор энг муҳим қарор қабул қилиниши арафасида турибмиз. Бу воқеа қайта қуриш жараёнларини ривожлантиришнинг шундай бир босқичида рўй беряптики, энди биз кенг йўлга чиқиб олганимизни сезиб турибмиз, бироқ шу билан бирга ҳали бу йўлдаги ҳаракатни чигаллаштираётган ҳамма тўсиқларни олиб ташлаш учун кўп иш қилиниши лозим.

Мен қайта қуриш тарафдори бўлган кишилар билан, барча совет кишиларининг ва ҳамма халқларнинг манфаатлари йўлида қайта қуриш муваффақиятининг тарафдори бўлган кишилар билан биргаман, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Мен мамлакатимизда Президентлик идора усулини жорий этиш тарафдори бўлган кишилар билан биргаман.

Шундан кейин Эстония ССРдан сайланган СССР халқ депутатлари гуруҳи съезд номига ёзилган баёнотни президиумга топширганлиги, унда мустақил республиканинг янги давлат мақомини белгилаш учун музокаралар ўтказиш ҳақида масала қўйилганлиги маълум қилинди. Маълумки, съезд бундан аввал Литва ССР Олий Советининг қарорлари билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш ҳақида Олий Советга, жумладан Миллатлар Советига, унинг комиссияларига, ҳукуматга топшириқ берган эди. Эстониялик депутатларнинг мурожаатини эътиборга олиб, мазкур муаммоларни бир мажму тарзида кўриб чиқишни таклиф қилди. Съезд Олий Совет яқин вақт ичида ўз ишини бошлаганида масалаларнинг шу мажмуини муҳокама қилишга киришиши лозим, деган фикрга қўшилди.

Сўнгра депутатлар мамлакатда Президент ҳокимияти тўғрисидаги ва Конституциянинг бир қанча қоидаларини ўзгартириш ҳақидаги масалани қонуний тарзда ҳал этишга киришди. СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда мамлакат Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги ягона Қонун съезд муҳокамасига қўйилди.

Таклиф этилган лойиҳа тўрт бўлимдан: СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги; СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги; СССРнинг биринчи Президентини сайлаш тартиби ва Президентнинг қасамёди тўғрисидаги; Қонунни қабул этилган пайтдан бошлаб кучга киритиш ҳақидаги бўлимлардан иборат.

Овоз бериш бўлимлар бўйича номма-ном ўтказилди. Биринчи бўлим хусусида деярли мунозара бўлмади. СССР Президенти лавозими таъсис этиш учун овоз бериш натижаларини депутатлар қарсаклар билан кутиб олдилар: 1817 депутат ёқлаб, 133 депутат қарши овоз берди, 61 депутат бетараф қолди.

Конституциянинг олтинчи ва еттинчи моддаларини ўзгартириш теварагида, шунингдек Президентнинг мақоми ва ваколатларига тааллуқли янги моддалар теварагида ўткир мунозара авж олиб кетди. Шу оқшом депутатлар қонун лойиҳасининг иккинчи ва қолган бўлимлари юзасидан овоз беришни ўтказишга улгурмадилар.

Чоршанба куни съездда қонунни қабул қилишдан ташқари мамлакатдаги янги олий давлат лавозимига номзодлар кўрсатиш ва уларни муҳокама қилиш, сўнгра — агар депутатлар улгуришса — СССР Президентини сайлашга киришиши лозим.

(ТАСС).

СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди. Суратда: ўзбекистонлик депутатлардан В. Шканакин, Б. Эргашев ва А. Раҳимовлар.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ ва С. ВЕЛИЧКИН суратлари. (ТАСС).

НУҚТАИ НАЗАРЛАР, ИШОНЧЛИ ДАЛИЛЛАР

МОСКВА, 13 март. (ЎзТАГ махсус мухбири А. Баранов). Бугун СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари III Съездида мамлакатда президентлик ҳокимиятини таъсис этиш масаласига доир мунозаралар давом эттирилди. Мазкур сатрлар нашрга тайёрланаётган ҳозирги пайтда 24-нотиқ нутқ сўзламоқда. Муҳокама ўткир тарзда ўтмоқда, тўла даражада фикрлар хилма-хиллиги баён этилмоқда, сўзга чиқаётган кишилар Президент лавозими жорий этилишини ёқлаб ёки унга қарши чиқиб билдирилаётган ўз нуқтаи назарларини асослаш учун ишончли далиллар келтирмоқдалар. Ҳар қалай кўпчилик бу таклифни қатъий равишда ёқлаб чиқмоқда.

Бу ерда Ўзбекистондан вакил бўлиб борган халқ депутатлари гуруҳининг ҳам умуман фикри ана шундай. Тўғри, қарашлар муштараклиги уларнинг фикрлар хилма-хиллигини ҳам истисно этмаяпти: ҳар бир депутатнинг Совет давлатининг тарихий ислоҳотига ўз муносабати, мамлакат сиёсий тузумида бўлажак ўзгаришлар муносабати билан ўз истак ва умидлари бор.

Насл-насаби деҳқон, Жиззах районидаги Навоий номли колхознинг пахтакор бригадири Тўпа Раҳмонқулова марказий ҳокимиятни кучайтиришни маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни тартибга солиш, барча даражалардаги раҳбарлар ўртасида тартиб ва масъулиятни мустаҳкамлаш билан боғламоқда.

— Бизнинг Жиззах областимиз республика таркибида яқиндагина ташкил топган, — дейди у. — Лекин ана шу қисқа вақт ичида областимизни икки марта қайтадан ташкил этишга улгуришди: аввал кимгадир уни кенгайтириб, қўшни областга қўшиш ва уни бошқариб бўлмайдиган қилиб қўйиш керак бўлиб қолди, энди эса уни яна қайтадан бўлишди... Ишлаб чиқариш структураси азалдан таркиб топган, мустаҳкам, кўп миллатли аҳолиси бўлган колхозимиз учун ана шу барча маъмурий-бюрократик машқлар фойда келтирмади. Кўп миллатли аҳоли ўртасида энг эзгу муносабатлар қарор топган. Бундай машқлар республиканинг бутун халқи учун ҳам фақат зарар келтиради. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳага раҳбарликда камроқ тажриба ўтказиб, кўпроқ аниқ ишлар билан шуғулланиш керак.

Қорақалпоғистонлик бульдозерчи ҳозирги кунда Олий Советда — иқтисодий ислоҳот комиссиясида доимий ишлаётган А. Л. Першиннинг ҳамда «Аралводстрой» трестининг бошлиғи М. А. Сарсеновнинг фикрича, мамлакат бутун территориясида ижрочилик ҳокимияти самарадорлигини ошириш воситаси сифатида Президент лавозими таъсис этиш зарур. Заҳматкаш Оролбўйи сайловчиларининг вакиллари бўлган улар учун бу лавозимнинг таъсис этилиши мутлақо аниқ истиқболлар билан, экология офати зонасида вазиятни соғломлаштириш юзасидан қабул қилинган, лекин ҳозирча ёмон бажарилаётган партия-ҳукумат қарорларини амалга ошириш билан боғланмоқда.

Дарвоқе, парламент аъзоларининг ташаббуси билан, ҳозир бу ерда, оммавий ахборот воситаларида «Орол ҳафталиги» ўтказилмоқда. Ўзбекистонлик телетомошабинлар Орол мавзусидаги лавҳалар ҳар куни «Время» программасида кўрсатилаётганидан хабардор бўлсалар керак. Газеталарда, бошқа нашрларда шунга доир мақолалар берилмоқда.

— Ана шу мақолаларда бир нарса кишини ранжитади, — дейди М. А. Сарсенов. — улар кўпинча юзаки ёзилган, иш моҳиятини аниқ кўрсатиб беришдан кўра ҳис-туйғулар кўпроқ. Баъзи муаллифларнинг фикрича, маълум қарорга мувофиқ яқиндагина ташкил этилган трестимиз коллективи ҳозирги кунда Оролдаги барча кулфатларнинг асосий айбдори бўлиб қолган. Ваҳолонки, биз бировларнинг гуноҳларини ювишга уриняпмиз, ахир. Бунинг устига, ҳозирги қарорлар ижроси мутлақо қониқарсиз ташкил этилаётганлиги, муттасил моддий-техника воситалари етишмовчилиги, Оролбўйидаги офат зонасини тугатиш ишларига жалб этилган барча бўғинлар раҳбарларининг зарур ижрочилик интизом йўқлиги ва масъулиятсизлиги натижасида ҳозир ҳам бунга унчалик муваффақ бўлмаяпмиз. Яхши ўзгаришлар бўлишига умид қилишни истардик.

Дунё овози

ГУРУҲ РАҲБАРЛАРИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

● **ҚОҲИРА. Миср хавфсизлиги органлари ўзини «Танзим ал-Жиҳод» («Муқаддас уруш ташкилоти») деб атовчи экстремистик гуруҳнинг 11 нафар раҳбарини қамоққа олди.**

Миср Араб Республикаси ички ишлар министри Муҳаммад Абдул Ҳалим Мусанинг МЕНА агентлиги мухбирига хабар қилишича, мазкур гуруҳ Қоҳира жанубидаги Эл Минья вилоятида аҳолини диний негиздаги тўқнашувларга ундаш билан шуғулланган. Ўтган ҳафтада шу вилоят қишлоқларида мусулмон мутаассибларидан иборат оломон христианлар ўртасида бир неча бор ур-йиқит қилган. Гуруҳ бошлиғи қўлга олинаётганда ҳалок бўлди.

Гуруҳ аъзоларидан саккиз мингдан зиёд варақалар топилди. Уларда ҳукмрон режимга қарши исён кўтаришга ва ғайридинларни ўлдиришга даъватлар битилган эди.

БАЁНОТ ТАРҚАТИЛДИ

● ТУНИС. Бу ерда араб давлатлари уюшмаси кенгашининг ташқи ишлар министрлари даражасидаги сессиясида қабул қилинган баёнот тарқатилди. Ҳужжатда яҳудийларнинг Совет Иттифоқидан келиши ва уларнинг босиб олинган араб территорияларида жойлаштирилиши «Фаластин халқи ва бутун араб миллати ҳуқуқларига катта хавф» солиши айтилган. Кенгаш яқин вақт ичида шу муаммо билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун Арабистон раҳбарлари кенгаши чақирилишини талаб қилди. Араб мамлакатларининг шу масала хусусидаги позициясини тушунтириб бериш учун яҳудий миллатига мансуб шахслар келаётган давлатлар ҳамда муҳожирлар ўз йўлида территориясини босиб ўтадиган мамлакатлар билан алоқаларни фаоллаштиришга ҳам қарор қилинди.

Араб давлатлари уюшмаси кенгаши Исроил босиб олган Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги ва Ғазо секторидаги фаластинликлар қўзғолонига ўз бирдамлигини тасдиқлаб, шу қўзғолон иштирокчиларига ёрдам беришни давом эттириш зарурлигини таъкидлади.

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

● **ДЕҲЛИ. Ҳиндистон авиакомпаниясига қарашли А—320 самолёти Бангалор аэропортига қўнаётганида ҳалокатга учраган эди. Бунга двигателнинг ишламай қолгани сабаб бўлган.**

Авария тафсилотларини ўрганиб чиққан маҳаллий ва чет эллик экспертлар шундай хулосага келишди. Авария оқибатида 93 йўловчи ва экипаж аъзолари ҳалок бўлди, 53 киши жароҳатланди. Самолётнинг шундай ҳолатларга мўлжалланган махсус қурилмасидаги ёзувлардан маълум бўлишича, самолёт двигатели борт компьютери буйруқларига ва учувчиларнинг унинг қувватини оширишга уринишларига бўйсунмаган. Натижада А—320 учиш-қўниш майдончасигача етиб боролмаган.

«Стейтсмен» газетаси граждан авиацияси министрлигининг манбаларига асосланиб ёзишича, Ҳиндистон ўзидаги 14 та А—320 аэробусидан фойдаланишдан воз кечиши мумкин. Бу самолётларни Европа консорциуми ишлаб чиқарган.

ҚЎПОРУВЧИЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

● **ДЕҲЛИ. Ҳиндистон Шри-Ланкага қарши қўпорувчилик фаолиятини олиб боришда ўз территориясидан фойдаланишга йўл қўймайди. Бу ерда бўлиб ўтган брифингда Ҳиндистон ташқи ишлар министрлигининг расмий вакили шуни маълум қилди.**

Бу огоҳлантириш, деб уқтирди у, Шри-Ланкада ҳаракат қилаётган барча жангариларнинг гуруҳларига дахлдордир.

Шри-Ланка ҳукумати билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин, деб хабар қилди ташқи ишлар министрлигининг вакили, тамиллик 1600 қочоқ Ҳиндистонга олиб келинди. Улар орасида кўплаб аёллар ва болалар бор. Улар Шри-Ланканинг айрим районларидан Ҳиндистон тинчликни сақлаб туриш кучлари олиб чиқиб кетилганидан кейин ўз ҳаётлари учун ташвиш чекмоқдалар. Қочоқлар орасида, деб давом этди ташқи ишлар министрлигининг вакили, «Илам халқини озод қилиш инқилобий фронти»нинг Ҳиндистонга келиш олдидан қуролсизлантирилган аъзолари ҳам бор.

ИСРОИЛДА ИШСИЗЛАР КЎПАЙДИ

● ҚОҲИРА. Исроил марказий статистика бюросидан олинган маълумотларга қараганда бу мамлакатда ишсизлик бир йил ичида 42 фоиз кўпайган. Мисрда чиқадиган «Ал Ахбор» газетасининг хабар қилишича, 1989 йил охирига келиб, Исроилнинг қарийб тўрт миллион кишилик аҳолисидан 142 минг киши бутунлай ишсиз эди.

(ТАСС).

ТАРЖИМОН КОМПЬЮТЕР



Америка Қўшма Штатларининг Лас-Бегас шаҳрида яқинда ўтказилган электрон машиналарнинг қишки ярмаркасида жуда кўпчилик мамлакатлардан келтирилган компьютерлар намойиш этилди. Улар орасида «Франклинкомпьютер» фирмаси томонидан ишланган таржимон компьютерларининг янги хиллари ҳам намойиш этилди. Ғоятда мўъжаз ишланган ана шу аппаратда кўплаб программалар жой олган. Чунончи орфография, талаффуз этиш, тилларданги келишикларнинг турланиши мукаммал жойлашган. Бунда инглиз ва испан тилларидаги 250 мингдан ортиқ сўз бор. Компьютернинг нархи 299 долларни ташкил этади.

Суратда: таржимон-компьютер.

АП—ТАО телесурати.

АДОВАТНИ УНУТАЙЛИК

БОКУ, 13 март. (Озаринформ). Тақдир тақозоси билан Озарбайжон ва Арманистон, халқларимиз қўшнилардир, асрлар мобайнида ёнма-ён яшадик ва шундай яшаймиз, — дейилади Тоғли Қорабоғга халқ ёрдами бериш комитетининг республика газеталарида бугун эълон қилинган мурожаатномасида. Озарбайжонда иш олиб бораётган ана шу жамоат ташкилотининг ҳужжатида таъкидланадики, миллий туйғуларни сунистеъмол қилган кимсаларнинг ёвуз нияти билан озарбайжон ва арман халқлари можаро қилган пайтлар бўлган, сўнгра улар ярашганлар ва яна тотувликда яшаганлар.

Мурожаатнома муаллифлари озарбайжонлар ва арманларни адоватни унутишга даъват этдилар, қўшни халқларнинг ҳуқуқлари ва хавфсизлиги таъминланишига ишонч билдирдилар, Озарбайжон ССРнинг Тоғли Қорабоғ автоном областида тангликдан чиқиш учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий тадбирларни амалга оширишни таклиф этдилар.

КОНГРЕСС ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

ТАЛЛИНН, 13 март. (ТАСС мухбири А. Маловерьян). Бу ерда Эстония конгресси ўз ишини тамомлади. Конгресс делегатлари бир қанча ҳужжатларни муҳокама этиб, қабул қилдилар. «Эстония давлатини тиклаш йўллари тўғрисида», «Эстония давлат чегараси ҳақида», «СССР Қуролли Кучларига муносабат тўғрисида»ги декларация шулар жумласидандир.

Мунозара чоғида Эстония ССР Олий Совети билан ўзаро муносабатлар тўғрисидаги масалага ҳам тўхтаб ўтилди. Эстония ССР Олий Советига сайлов 18 мартга белгиланган. Делегатларнинг аксарияти гарчи, улар нуқтаи назаридан, «босқинчи» ҳокимият бўлса-да, мазкур давлат органи билан ҳамкорлик қилиш зарур, деб ҳисоблашмоқда, чунки бу ҳамкорлик қўйилган мақсадга — мустақилликка тезроқ эришиш имконини беради.

Конгрессда СССР халқ депутатлари съездига, республиканинг рус тилида сўзлашувчи аҳолисига мурожаатнома ҳам қабул қилинди, Литва ССРнинг янги раҳбарияти номига табрик йўлланди.

Очиқдан-очиқ гиж-гижловчи ва масъулиятсиз даъватлар ҳам бўлди. Мунозаралар айрим қатнашчиларининг СССР Қуролли Кучларида хизматга кўкламги чақириқни барбод этиш тўғрисидаги таклифларини ана шундай даъватлар жумласига киритиш лозим. Бундай даъватларда маъқулланмаган фикрлар ҳам билдирилди. Хизматдан «бош тортувчилар» устидан жиноий иш қўзғатилган тақдирда уларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш дастури йўқлиги учун ҳам бундай даъватлар маъқулланмади.

Эстонияни унинг урушдан аввалги чегараларида дарҳол тиклаш тўғрисидаги талабни ҳам делегатларнинг бир қисми унчалик оқилона талаб эмас, деб ҳисобламоқда.

• *Қишлоқ хўжалиги: янги иқтисодий муносабатлар*

ШАРТНОМАГА ИМЗО ЧЕКИЛМАДИ

БУНДАН ХЎЖАЛИК 40 МИНГ СЎМ ФОЙДА КЎРДИ

Пискент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари ўтган йили мустақиллик йўлида муҳим қадам қўйдилар. Улар маҳсулот етказиб бериш юзасидан донни қайта ишлаш корхонаси билан шартнома тузишни исташмади.

ЧУНКИ колхознинг ўзида 1150 бош қорамол бўлиб, шулардан 400 боши қора-ола зотли соғин сигирлардир. Хўжалик шуларнинг ўзига ҳам ем-хашак етказиб беришга қийналмоқда. Чорвачиликдаги кўрсаткичларни ошириб бориш йўлидаги ҳаракатлар озуқа мўл бўлсагина яхши самара бериши ҳаммага маълум. Зеро, суттовар фермасида ҳар бир сигирдан ўртача 3012 килограммдан сут соғиб олинмоқда. Агар республикамиз миқёсида оладиган бўлсак бу анча дуруст кўрсаткич. Бироқ хўжаликда сут етиштиришни кўпайтириш, маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг қўшимча имкониятлари бор. Бунинг учун аввало, озуқа масаласини ҳал қилиш лозим.

Ҳар йили давлатга 500 тоннадан зиёд арпа, буғдой, маккажўхори топширилади-ю, бундан колхоз ҳеч қандай наф кўрмасди. Хўжалик ҳисоби усулида ишлаётган коллектив аъзолари учун ҳар бир сўм, ҳар бир тийин ҳисобда бўлмоғи лозим. Илгарилари хўжаликларга етиштирилган пахта ҳисобига давлат томонидан ем берилади. Бир центнер хом ашёга 8 килограмм омухта ем алмаштириларди. Бу ҳар қалай чорвадорларга маъқул келарди. Кейинчалик бу қонида бекор қилинди-ю, аҳвол кескин ўзгарди. Энди колхоз давлатга дон сотиши керак. Бу ишнинг салбий томони шундаки, айтайлик, колхоз маккажўхорини давлат корхонасига 12 тийиндан сотади. Корхонада бу дон сифатсиз емга айлантирилади-ю, яна хўжаликка сотилади. Энди унинг нархи қиймат-роқ, яъни 20 тийинга кўтарилади. Устига устак донни заводга элтиш ҳам, омухта емни фермага келтириш ҳам колхоз транспортида бажарилади. Шунинг ўзидан хўжалик 50 минг сўм зарар кўради. Шу боисдан чорвачилик ҳамиша фойда ўрнига зиён келтирарди. Ўтган йили эса кўрилган чора-тадбирлар туфайли бу соҳадан 40 минг сўм соф даромад олинди.

— Хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан бақувват коллективлардан, — дейди колхоз бош иқтисодчиси Озод Абдуллаев, — Асосий экинимиз — пахта ҳосилдорлиги йил сайин ошиб бормоқда. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 29,9 центнердан ҳосил олинди. Агар ерларимиз асосан қумлоқлигини ҳисобга олсак, бу оз эмас. Йил бўйи агротехника қоидаларига тўлиқ амал қилган ҳолда меҳнат қилган бригадалар бундан ҳам кўп ҳосил олишди. Масалан, Холбой Турғунбоев етакчилигидаги коллектив ҳар гектар майдондан 38,2 центнердан «оқ олтин» олган бўлса, Зайнаб Маҳмудова бригадаси ҳосилдорликни 33,4 центнерга етказди.

Хўжаликда кейинги вақтларда маъмурий-буйруқбозлик ўрнини иқтисодий омиллар эгаллай бошлади. Жумладан, ўтган йили пахта терими мавсумида бу нарса яқол сезилди. Колхоз раҳбарлари механизатор ёки теримчига дўқ-пўписа қилмай, фақат йўл-йўриқ кўрсатиш билан шуғулланишди. Терилган пахтага тўланадиган ҳақнинг оширилиши ҳам кўп жиҳатдан фойда келтирди. Бу ўз навбатида план ва мажбуриятларнинг ошириб уддаланишида муҳим омил бўлди. Умуман хўжалик бўйича беш миллион сўмдан ортиқ соф даромад олинди. Шунинг 3 миллион 119 минг сўми колхозчиларга тарқатилди. Ўртача ҳар бир кишига 2200 сўмдан ҳақ тўланди. Иш ҳақининг ҳар бир сўмига 1 сўм 20 тийиндан қўшимча ҳақ белгиланди.

— Умуман жумҳуриятимиз миқёсида оладиган бўлсак, бу ёмон кўрсаткич эмас, — гапида давом этади бош иқтисодчи. — Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса, 7—8 фарзанди бор деҳқон оиласи учун бу даромад ҳеч гап бўлмай қолди. Кўпгина кийим-кечаклар, саноат моллари нархи ошиб кетган. Баъзи буюмлар анқонинг уруғи. Бунинг устига бордикелди, тўй-ҳашам деган гаплар ҳам бор. Агар ҳамма харажатларни ҳисоблайдиган бўлсак, юқоридаги «катта» даромад урвоқ ҳам бўлмайди.

Иқтисодчи ҳақ гапни айтди. Ҳозирча республикамизда етиштирилаётган пахтанинг нархи ҳали ошгани йўқ. Шу сабабли ҳам хўжалик ўтган йили ҳар тонна биринчи нав пахтаси учун 800 сўмдан пул олди. Зеро, деҳқонлардан бирининг ҳисоб-китобига кўра у бир гектар ердаги пахтадан 500 сўм, шунча майдондаги пиёздан 1,5 минг сўм даромад кўрибди. Бу ўз-ўзидан деҳқоннинг пахтага бўлган меҳрини совутиши тайин.

Чорвачилик соҳасида эса кейинги пайтда аҳвол бирмунча яхшиланди. Ўтган йили давлатга 1058 тонна сут сотилди. Ҳар бир сигирдан соғиб олинган сут миқдори 3 тоннадан ошди. Нури Каримова, Мақсуда Пўлатова, Турсуной Тошматова сингари илғорлар ўз боқимларидаги сигирлардан 3300—3350 килограммдан серқаймоқ маҳсулот олишди. Бунда хўжалик бўйича озуқа етиштиришга катта эътибор берилаётганининг аҳамияти катта. Кейинги йилларда фермада янги асбоб-ускуналар, техника воситалари ўрнатилди. Молларга тўйимли, сервитамин озуқалар берилмоқда.

Эндиликда қишлоқдаги иқтисодий муносабатларни ўзгартириш учун хўжалик раҳбарлари муҳим ишларни амалга оширишмоқда. Яъни, ўтган йилнинг ўзида пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига бригадаларда чигит экиладиган майдонлар бирмунча қисқартирилиб, сабзавот, полиз экинлари етиштирилди. 75 гектар ерга картошка, сабзавот экилгани колхозчиларнинг ўзини-ўзи таъминлашида муҳим қадам бўлди.

Энди ҳар бир бригада ихтиёрида бир ярим гектардан ёрдамчи ер бор. Бу ёғи деҳқоннинг ўзига ҳавола. Хоҳласа дон, хоҳласа сабзавот ёки картошка экиши мумкин. Лекин шу шарт биланки, етиштирилган маҳсулотнинг бир қисми колхозга, қолгани ўзига. Бу колхозчининг моддий манфаатдорлигини ошириши тайин. Колхозчилар бу маҳсулотларни четдан сотиб олишга бутунлай барҳам беришди. Чунки етиштирган маҳсулотлари ўзларига етиб ортяпти. Олмалиқ шаҳрида хўжаликнинг сабзавот сотадиган дўкони очилди. Пискентда ҳам шундай дўкон тикланаётир. Демак, далада етиштирилган ҳосил дўконга ҳам чиқарилади.

Социал соҳани ривожлантириш йўлидаги ишлар ҳам бошлаб юборилди. Шулардан бири аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласидир. Ҳозиргача хўжаликда 100 дан зиёд оилага томорқа участкаси ажратиб берилди.

— Ҳали бу борада кўп иш қилишимиз зарур, — дейди Озод Абдуллаев. — Жумладан, қишлоқ кўчаларини асфальтлаш, хонадонларни газлаштириш керак. Шундай одамлар ҳам борки, томорқаларида мевали дарахтларни кўпайтиришга интилмайдилар. Биз энди деҳқонларни томорқадан самарали фойдаланишга ўргатишимиз керак.

Хўжалик юритишнинг янги усули колхозчиларни тежамкорлик ва тадбиркорликка ўргатяпти, ортиқча харажатларга чек қўйилмоқда. Бригадалардаги кўсак чувиш машиналарини йўқ қилиб, марказлаштирилган қуритиш-тозалаш цехини қуриб битирдик. Келгусида пахтани дастлабки қайта ишлаш цехини бунёд этишни мўлжаллаяпмиз. Теплица қурилмоқда. Хуллас, мақсадимиз халқимизнинг фаровонлигини бундан буён ҳам ошириб бориш.

Бундан бир неча йил аввал бирон хўжалик давлат корхонаси билан ҳамкорлик қилишдан бош тортибди, деган гап ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Ҳозир бундай ҳоллар одамларни ажаблантирмай қўйди. Зотан, янги иқтисодий шароитда, мустақиллик асосида иш олиб бораётган меҳнат коллективлари энг аввало, ўз меҳнатлари самарасини, даромад ва фойдани кўзлайдиган бўлиб қолишди. Олдиндан зарар келтириши маълум бўлган юмушдан воз кечишмоқда. Ҳамма иш аниқ ҳисоб-китоб асосида амалга оширилса, қозон ҳам, чўмич ҳам мойли бўлишини бугун ҳамма тушуниб қолди.

Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

АГРОСАНОАТ ХАБАРЛАРИ

● **НАМАНГАН**

Шаҳардаги «Баҳор» маҳалласида яшаб ўтган Абдулла ота Мўминовнинг ўғли Ж. Мўминов Намангансой қирғоқларига экилган 3200 туп мевали ва манзарали дарахтларни меҳр билан парваришламоқда.

Бу боғни Абдулла ота бир неча йил аввал яратган эди. Эндиликда унинг ишини ўғиллари давом эттиришмоқда.

Элда шундай нақл бор: «Кимдир боғ яратади, кимдир ундан баҳраманд бўлади». Бу бежиз айтилмаган. Ана шундай меҳри дарё кишилар борлиги туфайли шаҳримиз тобора кўркамлашиб чирой очиб бормоқда.

А. НАСРИДДИНОВ.

● **ЖИЗЗАХ**

Бахмал районидаги «Сангзор» совхозида 100 гектар, «Партия XXIV съезди» совхозида 100 гектар, «Ойқор» совхозида 191 гектар ерда янги боғ-роғлар яратиш планлаштирилган эди.

Ҳозиргача бу хўжаликларда боғ яратиш ишлари қизғин. Бунда С. Иброҳимов, Э. Йигитов, Н. Мусаев, У. Маъмиров, М. Холбоев, К. Боботоев каби боғбон ва соҳибкорлар ибрат кўрсатишмоқда.

Умуман райондаги кўпгина ташкилотлар, корхона ва муассасалар коллективлари кўчат экиш иқки ойлигида фаол қатнашиб, ариқларнинг бўйларига, кўча четларига, ташландиқ ерларга ярим миллион тупдан зиёд дарахт кўчатлари ўтказишни қизитиб юбордилар.

А. ЭРГАШЕВ.

● **ҚАШҚАДАРЁ**

Усмон Юсупов районидаги Қурама, Айзобод, Булуч, Миришкор, Жейнов сингари бир қатор қишлоқларда айни кунларда тут дарахтлари экиш қизғин.

Умуман район бўйича кейинги йилларда тутчиликни ривожлантиришга эътибор анча оширилди. Кўплаб янги тутзорлар барпо этилди. Шу билан бирга пиллачилик ҳам тараққий этмоқда. Бундан ўн йиллар бурун йиллик пилла тайёрлаш 10 тоннадан ошмасди. Эндиликда бу кўрсаткич 30 тоннага етди. Бироқ айрим хўжаликларда бу борадаги ишлар анча орқада қолмоқда.

Н. ТУРСУНОВ.

АДОЛАТ ҲАҚҚИ-ҲУРМАТИ

● Ўтган йили Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетида фуқароларнинг оқлаш билан боғлиқ олти юздан зиёд аризаси кўриб чиқилди. Юзлаб кишилар тақдири устидан тортилган сир пардаси олиб ташланди. Ғайриқонуний қатағонлардан азият чеккан кўплаб кишиларга етказилган моддий зарар тўланди.

Хатлар, телефон қўнғироқлари, телеграммалар. Одамлар билан юзлаб учрашувлар, аччиқ саволлар. Бу суҳбатлар кўпинча оғир кечди. Архивга топширилган ишларни қайта-қайта кўриб чиқиш, янги ҳужжатларни, гувоҳларни, бир пайтлар мусодара қилинган буюмларни қидириш-чи? Чекистлар ўз зиммаларига оғир ва мураккаб вазифани олдилар.

Матбуот ўттизинчи—қирқинчи йилларда ва эллигинчи йилларнинг бошларидаги ғайриқонуний қатағонлар қурбонларини оқлаш бўйича ишлар қандай бораётганлигини бир неча марта маълум қилди. Давлат хавфсизлиги комитети ходимлари прокуратура, суд, ҳарбий адлия идоралари билан ҳамкорликда бир пайтлар Ички ишлар халқ комиссарлигининг терговчилари айбсиз кишиларга нисбатан қўзғаган жиноий ишларни қайта кўриб чиқиш билан алоқадор ишларни давом эттирмоқдалар. Ҳа, ўзгача фикр юритувчиларни янчиб ташлашнинг шафқатсиз машинаси ҳеч кимни аяб ўтирмади. У миллатидан, қайси динга мансублигидан, халқ олдидаги аввалги хизматларидан, эгаллаб турган лавозимидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, домига илинганларнинг ҳаммасини қатағон қилди.

Архивдаги токчаларга қатор терилган катта картон қутилардан бир нечта «жиноий иш»ни олиб менга кўрсатишди.

Мана, Самарқанд область Каттақўрғон районига қарашли Омон-Қалкат қишлоқ Советига қарашли Хўжа қишлоғида истиқомат қилувчи 30 яшар Ҳасан Шептаковнинг иши. У «Қизил Москва» колхозида ишлаган. 1937 йил 13 июлда қамоққа олинган. Унга аксилинқилобий қўзғолончилар гуруҳида қатнашган, деб айб қўйилган. Тинтув пайтида унинг ёнидан колхоз правлениеси муҳри босилган тўлатилмаган бланк топилган. Унинг «жиноий фаолияти»ни исботловчи бошқа далилий асос чиқмаган.

Ҳасан диндор мусулмон бўлганлигидан эшонлардан бирига муридлик қилган. Таъбир жоиз бўлса, муридлик унга ота мерос бўлган. Отаси ўлим тўшагида ётганида ўғлидан Саловот эшоннинг барча айтганларини бажаришни илтимос қилган.

Терговчилар деҳқонни: «Мен аксилинқилобчиларнинг қўзғолончилар гуруҳида иштирок этганман», деб тан олдиришга минг уринсалар ҳам эплай олмадилар. Шундан кейин унга янги айб қўйишди. Ҳасан Советларга қарши тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борган экан. Бечора колхозчилардан бири билан суҳбатда: «Бу йил ҳосилимиз бўлмайдиганга ўхшайди, планни бажара олмаймиз. Колхозда қанча ишламагин, барибир ҳеч нарса ололмайсан. Яхшиси пахта заводига бориб ишлаган маъқул», деган эди. Шу нарса бошига битган бало бўлди.

Тез орада суд бўлди. Уни етти йил қамоқ жазосига ҳамда яна уч йил барча ҳуқуқлардан маҳрум этишга ҳукм қилишди.

Яна битта семиз тахламни варақлайман. Когонда «Узглавхлеботорг»нинг иқтисодчиси Николай Сабуркин уйида вақти-вақти билан дўстлари—ёғ заводининг ўт ўчирувчиси Иван Яригин, нонвойхона ишчилари: Петр Шченников ва Илья Панинлар йиғилиб туришарди. Оғайнилар «юзта-юзта»дан қилишни хуш кўришарди. 1936 йили бўлган ана шундай ўтиришлардан бирида улар «троцкийчи-зиновьевчилар блоки» бўйича чиқарилган мудҳиш ҳукмни муҳокама этишади. Шунда Сабуркин: «Менимча, ҳукм жуда оғир. Умуман олганда Зиновьев ёмон одам эмас эди», — дейди.

Ҳукм чиқариш учун шунинг ўзи етарли эди. Сабуркин саккиз йил озодликдан, қамоқдан чиққандан сўнг эса беш йил барча ҳуқуқлардан маҳрум қилинди. «Троцкийчига ғоявий зарба бермаганликлари учун» унинг дўстлари — Яригин, Шченников ва Панинлар ҳам анча йил муддатга қамоққа ҳукм этилдилар.

Қатағон машинаси тўхтовсиз айланарди.

Емельян Оноприенко ва унинг қизи Зоя, Анна Артюхова, Прасковья Никитина, Григорий Дук ва Григорий Поповлар баптистлар мазҳабининг аъзолари бўлганликлари учун турли муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар. Уларга аксилинқилобий жиноятларни амалга оширишни ташкил этишда ҳамда Советларга қарши тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда айб қўйилган эди. Ўзбекистон ССР Олий судининг ҳайъати 1955 йилиёқ улардан аксилинқилобий фаолиятни ташкил этган деган айбни олиб ташлади. Бироқ, уларга ёпиштирилган «Советларга қарши» ёрлиғи яна узоқ йиллар давомида тавқи лаънат бўлиб қолаверди. Ўзбекистон ССР Олий суди пленуми мана шу жиноий ишни қайта кўриб чиққандан сўнггина улардан бу айб ҳам олиб ташланди.

Юқорида келтирилган мисоллар адолатсизлик уммонидаги оролчалар, холос. Давлат хавфсизлиги комитетининг матбуот группасидан бизга хабар беришларича, республика Давлат хавфсизлиги комитети, жумҳурият прокуратураси, ҳарбий адлия идоралари ходимлари ўтган йилнинг ўзида 6783 та ишни қайта кўриб чиқдилар. Ўша мудҳиш йилларда мана шу ишлар юзасидан 10.987 киши жазоланди. Бугунги кунда уларнинг ҳаммаси оқланди. Бу кишиларнинг ҳаммаси судлар томонидан эмас, балки махсус тузилган судлардан ташқари органлар — «учликлар», «алоҳида махсус кенгашлар» томонидан ҳукм қилинган эдилар. Уларнинг йиғилишларида томонлар, яъни прокурор, ҳимоячи, гувоҳлар иштирок этишмаган. Кўпгина ҳолларда энг оғир ҳукмни чиқариш учун бор-йўғи ўн беш дақиқа кифоя қилган.

Шуниси ҳам борки, ўша даврда судлар ҳам асоссиз ҳукмлар чиқаришган. Ана шундай «қонуний» ишларнинг кўпи қайта кўриб чиқилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 866 нафар кишига нисбатан қўзғатилган 660 та жиноий иш қайта кўриб чиқилди. Прокурорларнинг норозилиги бўйича суд тартибида уларнинг 688 таси тўла-тўкис оқланди.

198 нафар кишига нисбатан илгари қабул қилинган қарорлар ўз кучида қолди. Булар — Ватан хоинлари, власовчилар, полицайлар, фаол «Туркистон легионерлари» эди. Улар уруш пайтида қўлларидаги қурол билан душман томонга ўтдилар. Жазолаш операцияларида иштирок этдилар. Кейинчалик эса қилган жиноятлари изини йўқотишга уриниб кўрдилар.

Булар орасида Ички ишлар халқ комиссарлигининг собиқ ходимлари ҳам бор. Улар сохта жиноий ишларни тўқиб чиқаришда қатнашган шахслардир. Улар сўроқларнинг қалбаки протоколларини тайёрлаб, махбусларни зўрлик билан унга имзо чекишга мажбур қилган эдилар. Натижада ҳибсга олинган кишилар амалда ўз-ўзларига ҳукм чиқарган эдилар.

Биронта ҳам жиноят жазосиз қолмаслиги керак. Олий адолат принциплари шуни талаб қилади. Давлат хавфсизлиги комитети матбуот группасининг ходимлари яна бир рақамни келтиришди: асоссиз равишда қатағон қилинган ВКП/б/ собиқ аъзоларидан 96 нафар кишининг тегишли ҳужжатлари партия органларига юборилибди. Уларни партия сафларига тиклаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш зарур. Бу одамлар коммунист деган номга ҳеч қачон доғ туширмаганлар. Улар чинакам ленинчи большевиклар эди. Уларни партия сафига қайтариш — бу ҳам адолатни тиклаш ва қарор топтириш, демакдир.

Ўттизинчи—қирқинчи йиллардаги ва эллигинчи йилларнинг бошларидаги ғайриқонуний қатағонлар қурбонларини оқлаш бўйича ишлар давом этмоқда. Ана шу оғир юмушни ўз зиммасига олган кишилар билан суҳбатлашар экансиз, улар қалбидаги маънавий оғриқни ҳис этасиз. Йўқ, биз уларни мозийдаги жиноятлар учун айбламоқчи эмасмиз. Умуман бундай ниятимиз йўқ. Давлат хавфсизлиги комитети ҳозирги ходимларининг — прапоршчикдан тортиб генералигача — бирон-тасининг ўша йиллардаги жиноятларга ҳеч бир алоқаси йўқ. Лекин инсон хотирасининг ўзига хос хусусияти шуки, биздан олдин ўтган авлодлар тажрибасини ўзлаштириш, улар қилган хатоларни такрорламаслик ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шу боис бу кишилар юқоридаги ишларни хизмат вазифаси юзасидан эмас, балки бегуноҳ кетганларнинг порлоқ хотираси олдидаги бурчни адо этиш тўйғуси туфайли ҳам чин кўнгилдан бажармоқдалар.

Э. САЪДУЛЛАЕВ.

Экишга шай

Чортоқ районидаги «Ҳурмат Белгиси» орденли «Октябрь» колхозида бу йил 890 гектар майдонга чигит экилади, озуқа майдонлари эса 400 гектарга етказилади. Ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» ва чорва моллари учун мўл озуқа етиштириш белгиланган.

Айни кунларда колхоз устахонасидаги ишлар якунланай деб қолди. Ремонтчи-слесарлар мавжуд техника воситаларини кўкламга шайлаб қўйишмоқда. Шу кунгача мавжуд сеялкаларнинг жами сифатли ремонт қилиниб, тайёргарлик чизиғига қўйилди.

Суратда: колхоз правлениесининг раиси Ю. Араббоев, бош инженер Муродилла Абдураҳимовлар колхоз халқ назоратчилари Мирзааҳмад Қорабоев, Муҳамадали Нишонов ва Алишер Тошпўлатовлар билан ремонтдан чиқарилган тракторлар сифатини кўздан кечиришмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ суратн.

• *Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун лойиҳасини ўқиб...*

АСОС ВА ДАЛИЛЛАР

Менимча, матбуот тўғрисидаги қонун лойиҳасини СССР Олий Совети сессиясида кўриб чиқиш билан чекланиб қолмай, уни халқ депутатлари Съезди муҳокамасига қўйиш даркор. Бу фақат менинг фикрим эмас, қонун лойиҳаси ҳақида фикр-мулоҳаза билдираётган кишиларнинг аксарияти ана шундай демоқда. Қонун лойиҳасининг ниҳоятда муҳимлиги ва долзарб эканлиги ана шуни тақозо этаётир.

Оммавий ахборот воситалари давлат ва жамият фаолиятининг барча соҳаларини, шунингдек, ҳар бир совет кишиси турмуши ва фаолиятини қамраб олади ва таъсир ўтказади. Бу ҳақда оммавий ахборот воситаларига таллуқли КПСС Марказий Комитети ва ҳукуматнинг ўнлаб қарорлари бор. Шунга қарамай матбуот тўғрисидаги қонун жамиятимиз учун жуда ҳам зарур. Шу сабабли бу соҳада шошмасдан, ҳамма нарсани эътиборга олиш талаб қилинади. Аммо лойиҳа устида ишлаган оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, комитет ва комиссия аъзолари шундай иш тутиш ўрнига лойиҳани тезроқ тасдиқлатиш учун ҳаракат қилишаётгани кишини ажаблантиради. Синчиклаб ўқиш ва ўрганиш жараёнида эса лойиҳа ҳали анча хом эканлиги маълум бўлди.

Ҳар қандай қонун ҳам иккита асосий талабга жавоб бериши керак. У шундай тайёрланиши ва таҳрир этилиши лозимки, токи унинг моддаларидан икки хил маъно келиб чиқмаслиги ва у ҳаммага, ҳатто бу соҳадан узоқда бўлган кишиларга ҳам тушунарли бўлиши керак. Матбуот тўғрисидаги қонун лойиҳаси эса ана шу талабларга тўла жавоб бермайди. Лойиҳадаги баъзи қоидалар ўзаро бир-бирига тўғри келмаслиги, фикрлар аниқ ифодаланмаганлиги унинг айрим моддаларини турлича талқин қилишга олиб келади.

Қонун лойиҳаси матбуот эркинлигини баён этиш билан бошланади. Бу фикр СССР Конституциясидан олинган. Айни пайтда Конституциядаги матбуот эркинлиги тўғрисидаги шу модданинг жуда ҳам муҳим қоидалари тушириб қолдирилган. Сўз ва матбуот эркинлиги халқ манфаатларига хизмат қилиши ҳақидаги қоида ана шулар жумласидандир. Лойиҳанинг шу жойида (1-модда) матбуот ва бошқа хил оммавий ахборот воситалари эркин эканлиги қайд этилади. Бу бежиз такрор берилган эмас. У оммавий ахборот воситаларининг матбуот тўғрисидаги қонундан бошқа барча қонунларга риоя этишдан озод эканлиги ҳақидаги фикр сифатида талқин этилади.

Оммавий ахборот воситаларининг бошқа қонунлар талабларига риоя қилишдан тўла эркин ва мустақил эканлиги, унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйишнинг таъқиқланиши 42-модда билан ҳам мустаҳкамланган. Бу қоидани яна матбуотнинг хўжалик, молиявий ва бошқа фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди, деб ҳам тушуниш мумкин. Агар лойиҳа муаллифлари шу ўринда тайёрланаётган ахборотларнинг (5-моддада таъкидланган материаллардан бошқа) мазмунига аралашмасликни кўзда тутган бўлишса, 42-модда матнида шундай деб очиқ-равшан ёзилиши лозим эди. Бироқ шундай таҳлил билан ҳам келишиб бўлмайди. Чунки бу оммавий ахборот воситалари мавжуд тузумни зўравонлиқ қилмай ағдаришга даъват этади, деган фикрни келтириб чиқаради. Зеро, лойиҳанинг 5-моддасида мавжуд тузумни зўравонлик билан ағдариш ёки ўзгартиришни тарғиб қилиш таъқиқлаб қўйилган.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида матбуот энг ўткир, баъзан эса ўт очиш қуролларидан ҳам хавфлироқ эканлиги ҳақидаги маълум ҳақиқат билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Айни пайтда мамлакатдаги баъзи жойларда қон тўкилишига олиб келган негатив ҳолатлар айрим оммавий ахборот воситалари ишти-рокисиз рўй бермаганлигини ҳисобга олинса зарар қилмайди.

Халқимиз ошкоралик, матбуот эркинлигига осонлик билан эришаётгани йўқ. Том маънодаги эркинлик амалда бўлмаганлиги жуда кўп қайғу ва аламларга, ҳеч қандай айбдор бўлмаган минглаб кишилар ҳалокатига сабаб бўлди. Энди ушбу эркинлик маънавий емирилишга, ўзаро жанжал ва тўполонларга эмас, балки халқ манфаатларига, унинг фаровонлигини оширишга, ҳуқуқий давлатни қуриш ва уни мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи керак. Бу қоидалар албатта, матбуот тўғрисидаги қонунда ўз аксини топиши лозим.

Қонун лойиҳаси бўйича оммавий ахборот воситалари фаолиятига аралашиш ҳақидаги фикрлар лойиҳанинг 10-моддасида ҳам талқин этилади. Ушбу модданинг вақтли нашрлар чиқишини ман этиб қўйишга оид сатрларини таҳлил этайлик. Бу моддада қонуннинг 5-моддасига хилоф тарзда иш тутиб, ахборот тарқатилган ёки расмий хабарларни тарқатиш қоидалари бузилгач уч кеча-кундуздан кечиктирмай нашрнинг бир ёки бир неча сонини чиқаришни ман этиш кўзда тутилган. Сирасини айтганда бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Чунки аллақачон тарқатиб бўлинган нашрнинг шу сонини чиқаришни назарий ва амалий жиҳатдан ман этиш мумкин эмас.

Энди 21-модданинг учинчи абзацидаги сатрларни таҳлил этайлик. Унинг моҳияти шундаки, ушбу қонунда белгилаб қўйилган қоидалар маҳсулоти матн ёки тасвир сифатида минг нусхадан кам бўлган (шартли тарзда 999 деб олайлик) босма нашрларга нисбатан қўлланилмайди. Бундан истаган ҳамма нарсани, масалан, мавжуд, ижтимоий тузумни зўравонлик билан ағдариш ёки ўзгартириш тўғрисидаги ҳар қандай чақириқларни, ҳатта порнографияга оид ҳар қандай матн ва тасвирларни ёзиш ва суратга тушириш мумкин деган маъно келиб чиқади.

Қонун лойиҳасида оммавий ахборот воситалари фаолиятини ташкил этиш ва рўйхатга олиш бўйича барча масалалар ҳам охиригача ҳал этилмаган. Масалан, ахборот воситаларини таъсис этиш ҳақида сўз юритилган 6-моддани олиб кўрайлик. Унда мамлакат, жумҳурият, алоҳида регион миқёсидаги бирон-бир турдаги ахборот воситаларини — матбуот, радио, телевидение, ТАССни қарам қилиб олишга йўл қўйилмайди, деб айтилган. Ҳозир амалда қарам бўлган ушбу матбуот турларини қандай қилиб қарамликдан халос этиш мумкин? Ҳозир жамиятимизга ушбу оммавий ахборот воситаларини ўз ихтиёрига оладиган гражданлар уюшмаси, коллектив ёки алоҳида шахс борми? Ахборот воситалари уларга текинга бериладими ёки совет сўмларига ёинки, чет эл гражданларини жалб қилган ҳолда валютага бериладими. Мисол учун шундай қилиш мумкин ҳам дейлик, ахир бундай ҳолда ахборот воситалари пировардида қарамликка тушиб қолмайдими?

Энг жиддий муаммолардан яна бири оммавий ахборот воситаларининг махфий маълумотларни ошкора қилишига йўл қўймаслик чорасини топишдир. Бу масала қонун лойиҳасида тўла акс этмаган. Демократия ва ошкоралик кенг йўлга қўйилган пайтда ҳам ҳарбий, сиёсат, дипломатия, иқтисодиёт, технология соҳаларида сирларнинг бўлиши табиий, албатта. Шундай экан, лойиҳанинг шу масала акс эттирилган моддалари ҳақида батафсилроқ фикр юритиш жоиз.

Қонун лойиҳасининг 5-моддасига биноан оммавий ахборот воситаларидан давлат сирини ошкора қилишда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Аввало ана шу «фойдаланишга йўл қўйилмайди» деган жумла ҳақида. Агар шу жумла чуқурроқ мулоҳаза билан ўқиладиган бўлса, ундан демак, илгари олдиндан ўйлаб, режалаштириб ҳаракат қилиш каби воқеалар ҳам бўлган эканда, деган маънони уқиб олиш мумкин. Аммо амалда шу пайтгача ҳеч ким оммавий ахборот воситаларидан махфий маълумотларни атайлаб ошкора қилиш йўлида фойдаланган эмас ва фойдаланмайди ҳам. Умуман 5-модда матни даъватдан бошқа нарса эмас. Шу моддада талқин қилинган қоидаларнинг бажарилишини таъминлайдиган механизм лойиҳада ўз аксини топмаган.

37-моддада яна шу мавзуга қайтилган. Унда тарқатилаётган ахборот давлат сири ёки қонун билан сақланадиган бошқа сирни қай даражада ошкор қилиши мумкинлиги тўғрисида муҳаррирни хабардор қилиши журналистнинг бурчи қилиб қўйилган. Шуни айтиш керакки, аввало, журналист бу сирни қай даражада ошкор қилиши мумкин эканлигини, бу сир билан махфий бўлмаган маълумот ўртасидаги чегарани аниқ билмайди. Шу сабабли ҳам у 37-модда бўйича ўзига юклатилган вазифани тўла бажара олмайди. Қолаверса, партия ва ҳукуматнинг олдин қабул қилган қарорларидан министрдан оддий ишчигача — ҳамма давлат сирини сақлаши мажбурий қилиб қўйилган. Шундай бўлса ҳам давлат сири билан махфий маълумотлар ўртасидаги чегарани аниқ билмаслик оқибатида оммавий ахборот воситаларига турли касб ва лавозимдаги муаллифлардан қонун йўли билан муҳофаза қилинадиган маълумотлари ҳам бор бўлган материаллар келиб турибди. Албатта муаллифлар бундай маълумотларни атайлаб мақолаларига киритаётганлари йўқ. Бу фактлар ҳам лойиҳанинг 37-моддаси олдига қўйилган мақсадни аниқ ифода этмаганлигини тасдиқлайди.

Бу муаммони ҳал этишнинг энг қулай йўли эса матбуот тўғрисидаги қонун билан давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонунни бир пайтда кўриб чиқишдир. Ҳозирги шароитда СССР Министрлар Совети томонидан оммавий ахборот воситаларида сир сақлаш механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда давлат манфаатларига жиддий зарар етиши мумкин.

Сўнгги фикр қонун лойиҳасини тайёрлаш тартиби тўғрисида. Лойиҳанинг охирги нусхаси устида ишлаган комиссия составига кўпроқ юристлар ва журналистлар киритилган. Шундай бўлиши табиий, албатта. Бироқ комиссияга қонун иш фаолиятига у ёки бу даражада алоқадор бўлган бошқа ташкилот ва идоралар, жумладан, кутубхоналар манфаатини ҳимоя қиладиган Маданият министрлиги, давлат сирларини муҳофаза этадиган муассасалардан тажрибали мутахассислар жалб қилинмагани кишини ажаблантиради. Агар комиссия составига дахлдор барча муассасалардан шу соҳа ишини яхши биладиган кишилар ҳам киритилганида матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун лойиҳаси янада пишиқ-пухта ва сифатли тайёрланган бўларди.

В. СИМАНЬКОВ.

• *Ҳодиса*

ЖИНОЯТКОРОНА СОВУҚҚОНЛИКМИ?..

Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмасининг капролактам ишлаб чиқариш территориясида кучли портлаш рўй берди.

Дастлабки тергов ҳужжатларидан маълум бўлишича, фожиа корхонанинг биринчи цехи орқасида, «жорий этиш» кооперативининг буюртмасига асосан саноат чиқиндиларини қайта ишлайдиган ускуналар ўрнатилаётган қурилиш майдончасида содир бўлган. Бу ишни Тошкентдаги «Стальмонтаж» бошқармасининг бригадаси бажармоқда.

75 куб сиғимга эга бўлган идиш портлаб кетган, электр пайвандлаш ишлари олиб борилаётган пайтда у ерда енгил ўт оладиган суюқлик бор эди. Учқунлар суюқлик тўпланган идишга тушади. Портлаш натижасида электр пайвандчи Р. Шин ва монтажчи В. Карташев ҳалок бўлди. Ишчи В. Беляков касалхонага ётқизилди.

— Маълум бўлишича, идишда бир неча тонна лак бор экан,— дейди Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси давлат ёнғин назорати бўлимининг бошлиғи майор Е. Шевченко.— Ишга дахли бўлмаган бу идиш нима учун тўлдирилганлиги ва буни ким қилганлигини тергов аниқлаб беради. Терговни область прокуратурасининг ходимлари олиб бормоқдалар.

(Ўз. Т. мухбири).

• *Меҳр-оқибат—инсоний фазилат*

ОНА- ВИЖДОН АЗОБИ ЁМОН

Бир хат изидан

•

МАРҒИЛОНДА ПОЕЗДДАН тушганимда тонг отаётган эди. Саҳар ҳавоси ва шивалаб ёғаётган қор аралаш ёмғир безовта кўнглимга таскин бергандек бўлади. Шошиб, дуч келган машинага қўл кўтарганимни ва ҳайдовчига Фарғона шаҳар Энгельс кўчасидаги 13-уйга элтиб қўйишини илтимос қилганимни биламан, бу бир оний хуш кайфият мени тарк этиб, кўнглимни яна аллақандай ғулғула босгандек бўлади. Буни Кумушхон ая билан учрашув олдидаги ҳаяжонга йўяман...

Аяни фақат редакцияга ёзган хати орқалигина танийман. Бу хат эмас, нақ бир олов бўлиб юрагимни ёндирарди. Ая бирор касаллик туфайли шу ҳолатга тушиб қолганда эҳтимол бунчалик ҳаяжонланмасмидим. У ахир ўз оёғи, ўз ақл-заковати ва қалб нидоси билан гирдобга ташлаганди ўзини...

— Бу воқеа 1961 йилнинг ёзида рўй берганди,— деб ёзади редакцияга Салоҳиддинова. — Фарғона районидаги собиқ Дмитров (ҳозирги «Коммунизм») номли колхознинг 16-бригадаси даласида 20 дан ортиқ болали аёллар ишлашига қарамай, боғча биноси тугул дала шийпони ҳам йўқ эди. Болаларни иссиқдан, ёғин-сочиндан асраш учун бригада аъзолари кучи билан омонатгина шийпон қуриб, унга ғўдакларни жойлаштиргандик. Ўша куни далада иш қизғин. Пахта чопиғи пайти эди. Ҳозир қанчалиги аниқ эсимда йўқ. Ҳарқалай 20 чоғли болакайга энагалик қилардим. Болалар орасида ўзимнинг ҳам беш ёшли қизим — Марҳабат, икки ёшли ўғлим — Зиёбиддин бор эди. Болаларнинг аксарияти эмизикли бўлиб, беланчакда ухлаб ётишарди. Бирдан шийпон бир томонга қийшайиб қулай бошлади. Ён-атрофимда ўзимдан бўлак катта одам йўқ. Жон ҳолатда болаларни иккитаучталаб қўлтиқлаганча хавфсиз, очиқ жойга таший бошладим. Шийпонда яна иккита бола қолганди. Шийпон эса қулай-қулай деб турибди. Ўзимни шийпон ичига урганимни ва болаларни бағримга олганча ундан қайтиб чиқаётганимни биламан...».

Мактубнинг давомини ўқишга журъатим етишмас эди. Дарвоқе, бу ёғини Кумушхон ая ҳам ўша воқеанинг устига келиб қолган одамлардан эшитган. У неча кун ҳушсиз ётгани, операция бўлгани... Бел умуртқасининг суяклари мажақланиб, қора мағзи узилиб кетганини эса кейинчалик билди...

Шифокорлар уни неча бор «бўлмайди, олиб кетинглар, тайёргарликларингизни кўраверинглар», дея ўлдига чиқариб қўйишганди. Умри бор экан, яшаяпти.

— Танишинг, бу қизим Олияхон, — дейди ая. Мен Кумушхон аянинг Марҳабат исмли ёлғиз қизи борлигини эшитганим учунми, бу қайси қизингиз дегандай унга савол назари билан қарадим.

— Тутинган қизим. Туғишгандан тутинган афзал дегани шудир-да, — дейди ая сўзида давом этиб. —Барака топсин, кечаю-кундуз бошимда парвона, укол қилади, дори-дармон беради. Чой қўйган, овқат пиширган, ювган-тараган. Китоб, газета ўқиб беради. Нақ она-бола бўлиб кетганмиз...

— Аямникида яшаб туриб, шаҳардаги икки йиллик медбилим юртини битирдим. Мени область ортопедия ва травмотология шифохонасида ишга олиб қолишди. Асли Қувасойданман. Очиғи, аямни ташлаб кетишга кўзим қиймади...

Уйга кириб келганимдаёқ бундаги саранжом-саришталик, покизаликни кўриб ётиғли касал яшаётган хонага ўхшатмагандим. Энди билсам булар Олияхоннинг иши экан. Кумушхон ая бировга қилаётган яхшилигини овоза қилмай, у билан бирга яшаб, ўқишларини битириб, турмуш қуриб кетган Олияхонга ўхшаган ўттизга яқин қизларнинг исм-шарифларини айтиб берди. Эртаси куни Кумушхон аяникида ана ўша қизларидан бири Асалхон Нурматовани учратиб қолдик. У қишки сессияга таёргарлик кўрарди. Аянинг уй альбомларида бундай тутинган қизларнинг суратлари, хатлари сақланади. Байрамларда қизларидан хат-хабарлар олади. Яқинроқда яшайдиганлари уни кўргани келишади.

— Яхшиям шу сингилларим бор экан, — дейди Марҳабатхон. — Уларсиз, ҳолим не кечарди. Беш болам бор. Онамдан ҳафта, ўн кунда хабар оламан. Бу ёққа келиб кетганимдан кейин қишлоққа боргач, ҳеч ўзимга келолмайман. Онамнинг аҳволини кўриб бир сиқилсам, йўл қоқиб....

Оқ сариқдан келган Марҳабатнинг мунгли чеҳраси кўз олдимдан кетмайди. Унинг кўзларига онаси тортаётган азоб-уқубатлар соя ташлаб турарди. Она-боладан сўрамоқчи бўлган гапларим хаёлимда чувалашиб кетиб, саволнинг қай биридан бошлашни билмайман.

— Онамнинг мен билан қишлоқда яшамаётганларига ҳайрондирсиз-а, — дейди Марҳабат ҳижолатомуз. — Қишлоқ шароити ўзингизга маълум. Уйлар совуқ, танча, устига бешта боламнинг қий-чуви... Онам биз билан туролмадилар. Бу ерда уй буғ билан иситилади. Поликлиника, дорихона яқин...

Мен Марҳабатхонга ишонишга ва уни тушунишга қанчалик ўзимни мажбур қилмай, ҳар қандай шарт-шароит инсон учун унинг яқин кишиларининг меҳридан устун бўлолмаслигига имоним комил эди. Очиғи, турмуш ўртоғи, фарзандлари, қариндош-уруғлари, жонажон қишлоғи бўла туриб, Кумушхон аянинг улардан узоқда, шаҳарда қолиб кетганини ҳеч ақлимга сиғдиролмасдим...

...Кумушхон ая оғирлигини бир тирсагидан иккинчисига оларкан, очиқ чеҳрасига аллақандай оғриқ изларини кўчди. Дарвоқе, у бир йилдан буён фақат қорни билан икки тирсагига тиралганча ётади. Орқада ётиш ёки ёнбошларига ўгирилиш ая учун эндиликда ширин ўтмиш бўлиб қолган. Коляскада ўтириб ўзи чой қуйиб ичган пайтлари ҳам бир давр экан. Ўз қовурғалари ўз жонига қасд қилгандек санчилса. Ўзидан ўтганини ўзи билади.

Бир хил ҳолатда ётиш, ҳар ишда бировга мутелик... Ҳаракатсизлик туфайли танасидаги оғриқлар кўпайса кўпайяптики... Саккиз бора операция. Саккиз бора ўлимга тик боқиш ва саккиз бора ўлимни доғда қолдириб ҳаётга қайтиш... Бу оғир қисмати билан курашда у оиласи мададини сезмади. Болаларни кўришга зор-интизор бўлди. Жисмоний мажруҳликка чидаса бўларкан, лекин маънавий тушкунликнинг азоблари қурсин. Тўғри, Кумушхон аянинг иккита акаси ҳамиша бошида парвона бўлди. У Тошкент касалхонасидами ёки Фарғонадами, акалар учун бу масофа икки қадам эди. Лекин ҳеч ким ва ҳеч нарса онласи ўрнини босолмади.

Салоҳиддинова эри, қайнона-қайнотаси, колхоз раҳбарлари шанига тош отмай, қанчалик юмшоқ гапиришга уринмасин, унинг ғариблардек кечаётган туриш-турмуши уларга ўз баҳосини бериб қўйганди.

У шифохоналарда ойлаб, баъзида йиллаб даволанмасин, уйига жавоб теккан ёруғ кунлари бўлган. Ана шундай кезларда шифохона эшигига акаларидан бўлак ҳеч ким келмасди. У учтўрт йил уларникида ҳам яшаб кўрди. Раҳмат кеннойиларига, раҳмат жиянларига. Лекин ҳар кимнинг ўз ўлан тўшаги бўлади деганларидек, ортиқ уларга юк бўлишни истамади...

Область ортопедия ва травмотология бўлими шифохонаси врачи Юрий Николаевич Вогулкин бемор Кумушхон аяга уйига жавоб берди-ю, буёғини ҳисобга олмаган экан. Очиғи, беморнинг эри, қайнона-қайнотаси бундай меҳр-оқибатсизлик кўрсатишини у қаёқдан билсин. Бемордан сўролмасдик-ку, лекин ҳамширалар, энагалардан бир кунда бешолти маротаба Салоҳиддинованинг турмуш ўртоғидан хабар борми-йўқми деб сўраб-суриштирарди...

— Шаҳарда яшашни истайсизми, — деб қолди бир куни Юрий Николаевич Кумушхон ая билан суҳбатлашиб ўтирар экан.

Ким туғилиб ўсган ошиёнидан, жигаргўшаларидан узоқда яшашни истайди?! Лекин на илож?! Барака топкур Юрий Николаевич билан бригадири Зокиржон Қўчқоров икковлашиб елиб-югуриб уни бошпаналик қилиб қўйишди, инвалидлик пенсиясини ҳужжатлаштиришди.

— Бу 1976 йилдаги гап, — дейди Юрий Николаевич биз билан суҳбатда. — Салоҳиддинова эса 1961 йилда дардга чалинган. Буни қарангки, шу пайтгача инваликдлик пенсиясини ҳам олмас экан. Ҳаётини хавф остида қолдириб, бировнинг болалари учун фидойилик қилибди-ку, лекин унга ғамхўрлик қиладиган бирор киши топилмабди.

Шифокор беморнинг темир иродаси, яшашга иштиёқи, беозорлиги ва яна қанчадан-қанча инсоний сифатлари ҳақида қайғуриб гапирса, Кумушхон ая ҳаёт Юрий Николаевичдек ажойиб инсонлар бўлгани учун ҳам гўзал, шунинг учун ҳам яшагинг келади, дейди...

Ая билан суҳбатимизга гоҳи-гоҳида аралашиб, аслида эса бизни тинглаб ўтирган Марҳабат отасининг ҳозир нима иш билан машғул экани, қаерда яшаётгани билан қизиқсинаётганимда ўзини тутолмади:

— Илтимос, отам билан учрашманг, — деди у жон ҳолатда. У ҳам касалманд...

Кумушхон ая қизи ҳақида ўйга толди.

ЎШАНДА МАРҲАБАТИ энди ўн етти ёшда эди. Шу-шу у онасининг олдидан кетмай қолди. Бемор она учун қизининг ёнида бўлишидан ортиқ бахт борми? Ахир, у ёрдамчига, бир тирик жонга қанчалик муҳтож эди-ку. Лекин у ўзини ўйламади. Кўзим тириклигида уни тўйини кўрай дея қизини узатди. Минг қатла шукур, қизидан беш невара кўрди. Тўғри, қизи ҳар гал келганда уни олиб кетаман, деб зорланади. Лекин она ўйга толади: қаерига сиғади. Қизининг иккитагина хонаси бўлса. Бири қизи билан куёвига, иккинчиси эса неваралари учун... Уларнинг ҳаловатини бузгандан кўра шу ерда яшайверади...

Бир куни қизиникида кундоши Мухтабар ая билан учрашиб қолди. Ана шунда юрагида йиғилиб юрган гапини унга очди:

— Мен сиз билан эр ҳам, бола ҳам талашмайман. Ҳаётга омонат одамман. Ўғил-қизимни вояга етказганингиз учун раҳмат. Улар сизга ҳам, менга ҳам етади...

Мухтабар ая Кумушхон аяга ачиниб дейди:

— Бечора, болаларни қутқараман, деб шу кўйга тушган экан. Тўғри, Кумушхон Марҳабат билан Зиёбиддиннинг онаси. Лекин мен уларни вояга етказдим, — гапида давом этди у —. Худо ўзимга фарзанд бермади. Шуларни болам-бўтам дедим. Мирзачўлда юрганларимизда қовун-тарвуз экиб, сотиб, пулини шуларга сарфладим. Бир хил хотинларга ўхшаб ярақ-юруқ кийинай демабман...

Кейин у невараси Зайниддиннинг ўғил тўйи ҳақида ҳаяжон билан гапира кетди:

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, неварамни тўйида етти мингта нон урвоқ ҳам бўлгани йўқ. Тўйимизга дорбозлар келган. Энди Зафаршонни тўйига йиғиб-теряпмиз, — деди у тиззасидаги невараси бошини силаб. — Ҳаммасининг ўз ризқи-насибаси бўларкан. Шукур, бу йил ҳам ўн икки қоп туршак қилдик...

Орзуга айб йўқ, дейдилар. Мухтабар аянинг болалари, неваларига жон фидойилиги ҳақида гап йўқ. Бир тўй эмас, ўн тўй кўрсинлар. Лекин шу неваралларнинг бувиси Кумушхон ая тўйдан бир қуюк кулча билан ҳам йўқланмади. Ғариб онангизни йўқлаб туринг, деб Зиёбиддинга шу оиланинг онаси айтмаса, отаси айтмаса, ким айтади, ахир!

Оиланинг отаси — Каримжон ака билан учрашолмадим. Уни Тошкентга туршак, баргак сотгани кетган дейишди. У киши билан юзма-юз кўришолмасам-да бутун қиёфаси билан кўз ўнгимда намоён бўлганди. Кумуш Салоҳиддинова паспортининг алоҳида белгилар ёзиладиган жойидаги «1951 йил, 28 апрель Водил район ЗАГСи» ёзувларини кўрганимдаёқ бу одамдан ҳафсалам пир бўлганди. Наҳотки, ҳамон ўз никоҳида турган бир муте аёл қисматига бу қадар бефарқлик қилса. Хотиним деб эмас, ўғил ва қизимнинг онаси деб, лоақал бир мушфиқ инсон деб қарашга юраги талпинмас экан, бундан одам ҳақида қандай қилиб яхши фикрга борасан, киши. Бу шафқатсизлик, меҳрсизликдан бўлак нарса эмас. Бир кўнглим Тошкентга қайтгач, бозорларни айланиб у кишини топиб, кўришмоқчи бўлдим. Кейин фикримдан қайтдим. У одам кўришишга арзирмикан. Марҳабатнинг кўнглидагидек бўлди. Отаси билан учрашмадим. Лекин у ҳақдаги бор ҳақиқатни билиб олдим. Эҳтимол Карим ака кўринишидан баланд бўйли, кўҳлик одамдир. Лекин менинг назаримда у хунук одам бўлиб қолди. Бу фақат менинг фикрим эмас, бу Карим ака билан бир қишлоқда яшаётган меҳнат ветерани Турғунбой ота Мелибоев, Маҳалла комитети раиси Жўрабой Мўйдинов ва мен Кумушхон ая фожиаси туфайли суҳбатлашган ўнлаб қишлоқ кишиларининг ҳам фикр-мулоҳазаларидир.

«Коммунизм» колхози касаба союз комитети раиси Миродилжон Абдулхаев билан шу колхоз шофери Абдурашид Муталипов хонадонига кириб келганимизда кеч кирган эди. Хотини Мунисхон ая икковлари Кумушхон ая билан бир бригадада ишлашган. Кумушхон ая қутқариб олган болалардан бири уларнинг ўғиллари Абдубасир Муталипов ўшанда икки ёшда бўлган, ҳозир 30 ёшдан ошибди. У Фарғона шаҳридаги ЖЭКда ишларкан. Икки фарзанди бор экан. Ҳеч вақт ўтмай даврамиз янада кенгайди. Сорахон ая Латипова, Инобат ая Низомова ва унинг турмуш ўртоғи Холмат ака Низомовлар кириб келишди. Кумушхон ая бундан 29 йил илгари содир бўлган ўша фожиада уларнинг фарзандларини ҳам хавф-хатардан сақлаб қолган.

— Кумушхон Салоҳиддинови эслайсизларми?

— Биламиз, вой, билганда қандоқ... Бечора лочин эди, лочин, — деди Мунисхон ая. — Меҳнат қилишда унинг олдига тушадиган йўқ эди. Пахта териб, донг таратган. Болалари ёш бўлгани учун ўшанда боғча опа бўлиб турувди-да...

Бошқалар ҳам унинг гапини маъқуллаб бош ирғашди.

—... Кўргани бориб турасизларми?

—... Сукунатни Абдурашид ака бузди:

— Бир марта кўрганман. Бояқиш ўшанда касалхонадан чиққан экан. Ўзи такси ёллаб болаларимни, қишлоғимни бир кўриб келай, деб келган экан. Кўчада кўришиб қолгандик. Ўша таксида яна қайтиб кетган дейишади. Бунга ҳам ўн, ўн беш йилча бўлди-ёв...

— Наҳотки йигирма тўқиз йил мобайнида болаларингиз ҳаётини қутқариб қолган, унинг устига ҳамкасб, ҳамқишлоғингизни лоақал бир марта бориб кўриб келай демабсиз. Ахир, Фарғона шаҳри қочиб кетган эмаску!

— Айланай, ким ўзидан ортади. Бола-чақа ташвиши дегандай... Ишонасизми, қайнонам билан қайинотамнинг касалини боқиб, кейин улар ҳаётдан кўз юмишди денг...

— Мунисхон ая дастурхон попугини ўйнар экан, узуқ-юлуқ гапиради...

— Албатта, бориш керак эди, борамиз. Озгина ташвишли ишларим бор, айланай. Шуларни бир ёқли қилиб олай... Буёғини сўрасангиз, саккиз болам бор. Туғилган йилим паспортда ёш тушиб қолган. Шунинг учун ҳам пенсияга чиқолмаяпман... Ёрдам беролмайсизми, — дейди Инобат ая.

Мен уларга Кумушхон аянинг саломини, бундан кейинги ҳаётини ўз қишлоғи одамлари орасида ўтказиш нияти борлиги ҳақида хабар олиб келган эдим. Қандай қилсак аянинг орзулари рўёбга чиқиши мумкинлиги ҳақида улар билан маслаҳат қилмоқчи эдим.

Бир инсоннинг тақдири, унга меҳр-шафқат, оқибат кўрсатиш ҳақида ғап бораётганида ўз ташвишларини рўкач қилиб, фақат ўз манфаатлари йўлида қайғурадиган бундай одамлар ҳақида ўйлайман. Уларнинг фарзандлари билан учрашганимда бундан ҳам баттар ҳолатга тушдим.

— Кумуш ая Салоҳиддинова деган номни эшитганмисиз? Шу одам сизга бирор воқеани эслатадими?, — сўрайман Тилаболди Низомовдан.

У бир дам ўйланиб турди-да, йўқ дегандек бошини қимирлатди.

— Ану, Кумушхон ая-чи, ҳўв бирда сени том босиб қолаётганида қутқариб қолган девдиму, — ўғлига эслатган бўлди Холмат ака.

— Ҳа, бир эшитгандим... — ғулдиради Тилаболди.

— Сизни ҳаётда икки бор туғилган дейишади. Сизга ҳаёт берган иккинчи онангиз — Кумушхон аяни кўришга ўзингизда ҳеч эҳтиёж сезганмисиз? — дедим суҳбат чоғида Фарғона районидаги «Прогресс» совхози ишчиси Андалип Латиповга. У ҳам саволимга лом-лим деб жавоб беролмади. Ахир, ая сўнгги марта шийпонга кириб айнан шу болаларни қутқариб чиқаётганида том босиб қолганди. Андалип 2, Тилаболди 3 фарзанднинг отаси. Ҳар иккисининг ҳам касб-ҳунари, оиласи бор. Тилаболди Фарғона шаҳридаги 9-автобазада шофёр бўлиб ишлайди. Эҳтимол у Кумушхон ая уйи олдидан бир кунда бир неча бор ўтар. Лекин унга оталик бахтини, ширин ҳаёт гаштини тақдим этаман деб яримжон бўлиб қолган онадан 10 минут машинасини тўхтатиб қўйиб, ҳол-аҳвол сўраб чиқай демайди. Халқимизда катта арава қаердан юрса, кичиги ҳам ўша йўлдан боради, деган нақл бор. Ота-оналарики фарзандлари толеида Кумушхон аянинг беқиёс ҳиммати борлигидан, уни йўқлаб туриш ҳам қарз, ҳам фарз эканидан ўзларида инсоний эҳтиёж сезмаган эканлар, болалардан нима кутиб бўлади?!

«КОММУНИЗМ» колхозида Кумушхон аяни билган, у билан бирга ишлашган борки, уйма-уй юриб улар билан суҳбатлашишга ўзимда катта қизиқиш сездим. Шуниси ачинарлики, Кумушхон Салоҳиддинова ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмаган колхознинг ёш раиси Шокир Исроилов ҳам, партия ташкилотининг секретари ҳам, ҳатто менга шоирамиз деб таништиришган район партия комитетининг вакиласини ҳам бу воқеа унчалик қизиқтирмади. Ахир, шулар эмасми, колхоз, қолаверса бутун район ёшларини инсонпарвар, жасоратли аёл Кумушхон ая Салоҳиддинова мисолида тарбиялайдиган тарғиботчилар. Ахир, аяга ўхшаган қаҳрамонлар ҳар куни ҳам туғилавермайдилар-ку. Тилларда достон бўлишга арзийдиган, мўъжизакор аёл жасорати, тақдири, район, партия, совет, хўжалик раҳбарларинки ҳаяжонга солмаган экан, улар ёшларни, меҳнаткашларни қайси руҳда, қандай мисолда тарбиялар экан, деган ҳақли савол туғилади. Одатда хўжалик ишлари билан қизиқиб борган журналистларнинг атрофида раҳбарлар гирди-капалак бўлишади. Инсон қадриятлари масаласи эса гўё иккинчи, учинчи даражали, қолаверса арзимас, раҳбарлар шуғулланмаса ҳам, қизиқмаса ҳам бўладиган масаладек кўринади. Қайта қуриш жараёни инсон омили масаласини биринчи планга қўяётгани бежиз эмас. Хўжалик ишларимизни юритадиган ҳам, планларимизни рўёбга чиқарадиган ҳам мана шу оддий одамлар. Улар меҳнат жараёнида, бизга қанчалик керак, қадрли бўлсалар, ишдан чиққан, инвалид бўлган, айниқса иш жараёнида соғлиғини йўқотган ёки пенсия пайтларида ҳам шу қадар эътиборда бўлишлари керак.

Меҳнат коллективи ҳам инсон учун бир оила. Оғир кунларда суянадиган, мадад оладиган асосий манбадир. Афсуски, Кумушхон ая на колхоз раҳбарлари ва на ҳамқишлоқларидан оқибат кўрди?! Ҳатто Мақсуда Каримова деган шахс колхозга раислик қилган кезларида Салоҳиддинованинг пенсиясидан қирқтириб ташлаган...

Давр шарофати билан Салоҳиддинованинг аризасига биноан колхоз эл қатори унга ҳам томорқа ажратди. Колхоз правлениеси хўжалик ҳисобидан унга уй қуриб беришга қарор қилди. Область социал-таъминот бўлими мудирининг ўринбосари Абдусамад Маҳмудов Кумушхон аянинг редакцияга ёзган мактубини ҳаяжон билан ўқиб чиқди ва ярим соат ичида масалани ҳал қилди: Салоҳиддинованинг илтимосига кўра унга енгил автомашина бепул ажратиладиган бўлди. Тўғри, булар ҳали ижросини кутаётган қарорлар. Лекин кишини бир нарса таажжубга солади. Фарғона шаҳридаги тўқимачилик комбинати қошидаги поликлиника шифокорлари ўз участкаларидаги 1-группа инвалиди Салоҳиддинованинг оз бўлмаса унутаёзишибди. Биз ая ҳақида уларнинг эсига солганимиздан кейингина юргиндилаб қолишди. Наҳотки, одамгарчилик у ёқда турсин, ўз вазифасига масъулият ҳиссини ҳам эсга солиш учун туртки керак?

Инвалидлар, пенсионерлар, қариялар ҳақидаги ғамхўрлик аксарият жойларда адолатли йўлга қўйилмагани учун ҳам редакциялар улардан кўплаб норозилик хатлари оляпти. Ҳа, текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, улардан тушган шикоят ва аризалар маҳкама папкаларида чанг босиб ётибди. Акс ҳолда боғча болалари ҳаётини сақлаб қоламан, деб ўзини қурбон қила ёзган Кумушхон Салоҳиддинова 15 йил мобайнида инвалидлиги учун бир сўм ҳам нафақа олмай қолмасди. Унинг машина ва коляска сўраб ёзган хатлари инобатга олинарди. Ҳа, мўътабар Кумушхон ая Салоҳиддинова ҳақидаги ғамхўрлик бундан 29 йил илгари бошланиши керак эди...

Фарғона районидаги «Коммунизм» колхозидан кетиб борар эканман, киндик қони тўкилган қишлоғини қумсаётган Кумушхон ая ва унинг қисматига лоқайд қараётган кишилар ҳақида ўйлаб дилим хира тортади.

Яхшилик унутилмайди. Жасорат эъзозланади. Ҳали шундай кунлар келадики, Салоҳиддинова номидаги кўчалар пайдо бўлади. Янги қад кўтарган мактабларга унинг номи берилади. У ҳақда ривояту-ҳикоятлар тўқилади. Унга бағишланган китоблар қўлма-қўл бўлиб кетади. Унинг номи ва ҳайкали қўйилган боғу эрам ёшу-қариялар зиёратгоҳига айланади. Шуларни ўйлар эканман, дилим тонг отгандай ёришиб кетди...

Дилбар МАҲМУДОВА,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири, Фарғона области.

«Кўчат экиб, боғ яратамиз».

В. МОЛГАЧЕВ сурат-лавҳаси.

• *Спорт*

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАРАФОНЧА ЮГУРИШ ВА ЮРИШ ТЕРМИЗ-90

Беллашув арафасида

УМИДВОРМИЗ, АММО...

Фарғонадаги «Тўқимачи» стадиони бир неча кун гавжумлашиб турди. Бу ерда енгил атлетикачилар газета соврини учун мусобақаларга қизғин ҳозирлик кўрдилар. Маълумки, ғолиблик супасига икки марта кўтарилган яйпанлик Улуғбек Мамадалиев марафончилар фахри ҳисобланади. Спортча юриш устаси Зуҳра Мустафоева эса Бухорода ўтказилган мусобақада халқаро классдаги спорт мастери талабини бажарган эди. Шунингдек, у бир неча бор республика рекордини ўрнатган.

— Зеро, ютуқларимизни янада кўпайтиришимиз, имкониятларимиздан унумли фойдаланишимиз мумкин эди,— дейди вилоят терма командаси тренери Н. Владимиров. — Сирасини айтганда, вилоятимизда енгил атлетика, хусусан марафонча югуриш ва спортча юришни ривожлантиришга эътибор етарли эмас. Шарт-шароитларимиз бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Термиз шаҳрида ўтадиган мусобақада бўш келмасликка уринамиз. Ўтган йилги ғолибларимиз — К. Берекова, И. Владимиров, ака-ука Боронкинлар ишончимизни оқлашга ҳаракат қиладилар.

Спортчилар устозининг айтганича бор. Қизиқарли тур бўйича қишлоқ жойларда оммавийликка эришиш, ёшлар маҳоратини оширишга нега эътибор қилинмаяпти? Ёки соғломлаштиришнинг муҳим омили ҳисобланган олис масофага югуриш бўйича ишқибозлар қишлоқларда камми?

Фарғонада қишлоқ хотин-қизларидан моҳир спортчилар кам. Шунингдек, югуриш ва юриш бўйича вилоят терма командаси рўйхатида ҳам туб аҳоли вакиллари кўзга ташланмайди. Маълумки, газета соврини учун баҳслар жумҳуриятимизнинг турли жойларида ўтказилаётгани бежиз эмас. Мақсад шаҳар-қишлоқларда спортнинг кам ривожланган турини жонлантириш, оммавийликни таъминлашдан иборат. Шу боис, ҳар йили баҳор кезлари газета соврини учун ўтказиладиган анъанавий мусобақа жумҳуриятимиз вилоятларида спортнинг марафонча югуриш ва спортча юриш турини янада оммавийлаштиришга хизмат қилиши керак. Ўйлаймизки, фарғоналик марафончилар бу йилги мусобақада ҳам бўш келмай, астойдил курашадилар.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ШАХМАТ:

БИРИНЧИСИ ЮТУҚ

● Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида жаҳон чемпионлигига даъвогарлар А. Карпов билан голландиялик Я. Тимман ўртасидаги баҳс давом этмоқда. Мўлжалдаги 12 ўйиндан 3 таси ўтказилди. Биринчи ўйинда муваффақият қозониб, қолган иккитасида битимга келишган Анатолий Карпов ҳозирча 2:1 ҳисобда олдинда бормоқда.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА

20 ВА 22 МАРТДА

Тошкентда биринчи марта Италиянинг СИМИ ИНТЕРНЕШНЛ» ва Франциянинг «СИДЕЛЬ» фирмалари «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Тошкентда шарбатлар, сувлар, ёғлар, чанқовбосди ва спиртли ичимликлар қуйиш учун ишлатиладиган (0,3 л. дан 5 л. гача сиғимли) пластик бутилкалар ишлаб чиқариш мавзуида

ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ ЎТКАЗАДИ

Фирмалар томонидан тавсия этилаётган чучук сувга эҳтиёж катта бўлган манзилларга ичимлик сув ташишга мўлжалланган таралар бизнинг минтақамиз учун алоҳида аҳамият касб этади.

Симпозиум ишида олитта чет эллик вакиллар, шунингдек, совет фирмалари, Ўрта Осиё ва Қозоғистон корхоналари ва муассасаларининг вакиллари иштирок этадилар.

Симпозиум дастуридан — кўрсатилган мавзу муҳокамаси, фирмалар томонидан эсдалик ҳадялар улашиш ва улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг намуналари билан танишиш, реклама материалларини кўздан кечириш, амалий фикр алмашувлар ҳамда шартномалар тузиш ўрин олган.

Симпозиум кино уйи (Ўзбекистон кўчаси, 98-уй)да соат 14 да бошланади.

СИМПОЗИУМ ИШИДА ИШТИРОК ЭТИШИНГИЗНИ СЎРАЙМИЗ.

45-37-27, 45-37-26. телефонлари бўйича қўшимча маълумотлар олишингиз мумкин.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ЧЕБОКСАРИ «СИСТЕМПРОМ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

совхозлар ёки колхозларга программавий воситаларни етказиб бериш ва уларга бухгалтер, иқтисодчи, зоотехник, агроном ва қишлоқ хўжалик корхонаси раҳбари автоматлаштирилган ишчи ўринлари (АРМ) базасида бирлашган ягона ахборот базасида бошқарувнинг автоматлаштирилган комплекс системаси (АСУ)ни жорий этиш юзасидан илмий-техника хизмати (НТУ) кўрсатиши мумкин. Техника воситалари сифатида кенг кареткали ёзиш қурилмаси ва камида 10 Мбт ҳажмида «винчестер» типидаги ташқи хотиротга эга бўлган ИБМ ПС/ПТ ва «Искра-1030» типидаги ЭҲМлардан фойдаланилган.

АСУни ўзлаштириш бухгалтерия ҳисоб-китобини комплекс механизациялаш типовой лойиҳаси (ТП КМБУ) 1 ва 2 бўлимлари ҳажмидаги қишлоқ хўжалиги бухгалтери автоматлаштирилган ишчи ўринлари (АРМ)ни жорий этишдан бошланади.

Қишлоқ хўжалиги бухгалтерия автоматлаштирилган ишчи ўринлари Чувашия АССРнинг Чебоксари ноҳиясидаги «Ишлейский» совхозида икки йилдан ортиқ вақтдан буён фойдаланиб келинмоқда ва у деярли юксак самарадор эканлигини кўрсатди. Яъни, совхоз бухгалтерияси ходимларининг сони 60 фоизга қисқарди, кўпгина ёзиш, ёқилғини ўғирлаш ҳолларини истисно этган ҳайдовчилар ва механизаторларнинг ишини доимий таҳлил ва назорат қилиш натижасида ёнилғилардан фойдаланиш миқдори анча камайди. Агросаноат комплекси мутахассисларининг автоматлаштирилган ишчи ўрни I Бутуниттифоқ конкурсида автоматлаштирилган ишчи ўрни ечимларининг муаллифлари рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлдилар.

Агарда Қишлоқ хўжалик корхоналари ўз шахсий ЭҲМларига эга бўлмаса Чебоксари «Системпром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси мазкур корхоналарнинг техника воситалари билан бир вақтда программавий воситалар комплектини етказиб бериш таъминотини ўз зиммасига олади.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги маконга мурожаат қилинсин: 428027

Чувашия АССР Чебоксари шаҳри, Хузангая кўчаси, 14-уй.

Телефонлар: 25-03-79, 25-99-66.

СССР Алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Электрон-квант асбоблари кафедрасининг катта ўқитувчилари (2 ўрин) **вазифаларига**

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 10 апрелгача.

Ҳужжатлар қуйидаги маконга жўнатилсин: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй. Тошкент алоқа электротехника институти.

•

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 15/III да **Зебунисо**, 16/III да **Раймонда**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/III да **Пуч**, 16/III да **Кориолан**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗЫКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/III да **Кампир кетармиш**, 16/III да **Мушкул савдо**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/III да **Отасининг қизи**, 16/III да **Майсаранинг иши** (19.00).

Тошкент халқ хўжалиги институти ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари «Олий математика» кафедрасининг доценти

Уринбой Эргашевич ҚОБУЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Астрономия институти жамоаси кичик илмий ходим

Мурод Азимович ҲОЛИҚОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Р. — 04138. № 62. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12